Mustaqil gazeta

HURRIYAT

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan

№15 (269) 2002-yil 17-aprel

"Ҳуррият" сизники, Сиз ҲУРРИЯТники бўлинг!



Газетамизга обуна давом этмоқда.

Нашр кўрсаткичимиз:

Якка обуначилар учун — 233, ташкилотлар учун — 234.

Юртимизда

ТАРАҚҚИЁТ ТИНЧЛИКДАН БОШЛАНАДИ

"Интерконтиненталь" меҳмонхонасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти ҳамда АҚШ Давлат департаменти томонидан ташкил этилган Марказий Осиё ва Кавказорти давлатларининг экспортни назорат қилиш ва оммавий қирғин қуроллари тарқалишига йўл қўймаслик масалаларига бағишланган VI Халқаро анжуман бошланди. Унда Марказий Осиё, Кавказорти минтақалари ҳамда Европа мамлакатлари, шунингдек, АҚШдан вакиллар қатнашмоқда.

УСТУВОР СОҲА

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков аграр соҳада ислоҳотларни чуқурлаштириш, хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш, фермер хўжаликларининг ривожланиши учун яратилаётган шарт-шароитлар, мавжуд муаммоларни бартараф этиш хусусида сўзлади.

"ЎЗЭКСПОМАРКАЗ"ДА ХИТОЙ ЮТУҚЛАРИ

"Ўзэкспомарказ"да Хитой Халқ Республикасининг энергетика, самолётсозлик, космонавтика, агросаноат мажмуи, озиқ-овқат саноати, геология, транспорт ва коммуникацияни ривожлантиришда эришган ютуқлари кўргазмаси намойиш этилмоқда. Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Хитой Халқ Республикаси фан ва техника вазирлиги ҳамда республикамиз Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги илмий-техника тараққиётини мувофиқлаштириш кенгаши ҳузуридаги фан ва технологиялар маркази томонидан ташкил этилди.

РАЙҲОН КУЙЛАЙДИ

3-4 май кунлари Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театрида истеъдодли қўшиқчи, "Тарона" мукофоти лауреати Райҳон ўз мухлисларига концерт бераётгани ҳақида эшитган бўлсангиз керак. Хонанда концерти олдидан Миллий матбуот марказида журналистлар иштирокида матбуот анжумани ўтказди.

Хонанданинг айтишича, у Миллий симфоник оркестр билан бир қанча композицияларни ижро этади. Шунингдек, концертда "Ўзбекистон" миллий рақс дастаси ва "Эйфория" балет ансамбли ҳам қатнашади.

Мухлислар театр биносига "Корё" корейс ансамбли ижросидаги ноғора садолари остида киришлари мўлжалланяпти. Мазкур лойиҳага COSCOM уяли алоқа компанияси ҳамкорлик қилади.

Бир сўз билан айтганда, тингланг, истеъдодли ёш қўшиқчи Райҳон куйлайди!

Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган, пойтахтнинг Навоий шоҳкўчасида жойлашган Ўзбекистон Миллий матбуот маркази кўплаб матбуот анжуманлари, маданий-маърифий тадбирлар ўтадиган гавжум масканга айланди. Бу муҳташам бино яқинда "Ҳуррият" таҳририятини ҳам ўз бағрига олди.

МММда

САЛОМАТЛИК САРҲИСОБИ

Миллий матбуот марказида Халқаро оилани режалаштириш федерацияси (ХОРФ) — Репродуктив саломатлик бўйича Ўзбекистон ассоциацияси (РСЎА): "Ўзбекистонда ёшларнинг жинсий ва репродуктив саломатлигини юксак стандартларга кўтариш учун ҳамкорлиги" мавзуидаги амалий анжуман бўлиб ўтди. У БМТнинг Аҳолишунослик фонди кўмагида молияланиб, ХОРФ томонидан ўтган йили Марказий Осиё давлатларида олиб борилган лойиҳа натижалари таҳлилига бағишланди. Мазкур лойиҳа сўровларида минтақада яшаётган 15-24 ёшлилардан 15000 нафари иштирок этган ва берилган саволларга ўз муносабатини билдирган.

Таъкидлаш жоизки, айни пайтда РСЎАнинг саккизта филиали мавжуд бўлиб, уларда қирқ нафарга яқин тренер ёшларнинг репродуктив ва жинсий саломатлик тўғрисидаги фикрларини кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда.

Анжуманда РСЎА вакилларидан ташқари ХОРФ бош қароргоҳидан (Брюссель шаҳри) Европа минтақаси бўйича президент Карен Вранкен ва ХОРФ Европа бўйича минтақавий директори Лин Томас қатнашиб, федерация амалга ошираётган ишлар ҳақида маъруза қилди.

Тадбирда РСЎА фаолиятига бағишланган телелавҳа ҳам намойиш этилди.

Нодир МЎМИНОВ

Анжуман

МАЪНАВИЯТ, ТАСАВВУФ, МАФКУРА

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультетида бўлиб ўтган илмий-амалий анжуман ана шу мавзуга бағишланди. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб маънавият ва миллий қадриятларга катта эътибор берилмоқда. Олий ўқув юртларига "Маънавият асослари" дарслигининг киритилиши ҳам МДҲ давлатлари орасида ҳали рўй бермаган воқеа эди.

Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган мазкур дарслик машғулотларида миллий ғоя ва миллий мафкура, маърифат, маънавият, тасаввуфга доир назарий мавзулар пухта ўрганилмоқда. Қувонарли томони шундаки, олий ўқув юртларидаги бу машғулотлар кутилгандан ҳам юқори натижа бераётир. Талабалар мазкур мавзу бўйича фақат ўқиб-ўрганиш билан чекланиб қолаётгани йўқ. Улар тадқиқот ва таҳлил ишларини ҳам олиб боришмоқда.

Илмий-амалий анжуманда 30дан ортиқ талаба иштирок этди. Улар 4 ой мобайнида 30 мавзудаги мустақил маърузаларини тайёрлашди. Мавзулар бир-биридан фарқли, қизиқарли эди. Айниқса, Нилуфар Эшназарова, Саидносир Усмонов, Хуршида Мелиева ва бошқа талабаларнинг чиқишлари баҳс-мунозарага, савол-жавобга бой бўлди.

Шунингдек, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий каби ўнлаб буюк тасаввуф сиймоларининг бадиий ижоди ва асарларида ифода этган ғоялари таҳлил этилди.

Сайёра ҒАФУРОВА,
ЎзМУ ўзбек филологияси факультети 2-курс толибаси

Тажриба

НЕЧА ЙЎЛДА СЕНАТОР БЎЛИШ МУМКИН?

4-5 апрел кунлари мамлакатимиз пойтахтида иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг VIII сессияси бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов энг муҳим масалалар қаторида бўлажак икки палатали парламентни тузишнинг асосий тамойиллари ҳақида қимматли мулоҳазалар билдирди. Қуйидаги мақолада жаҳондаги айрим мамлакатларда икки палатали парламент фаолияти, бу борада тўпланган тажрибалар ҳақида фикр юритилади.

Мамлакатимизда ўтган умумхалқ референдумида халқимизнинг асосий кўпчилиги икки палатали парламентни ёқлаб фикр билдирди. Парламентимизнинг икки палатали бўлиши, табиийки, ўтиш даврини бошидан кечираётган ёш давлатимиз учун янги босқич ҳисобланади. Бу борада хорижий давлатлар анча тажрибага эгадирлар. Уларнинг ҳуқуқий тизимини ўрганиш ва муҳим қирраларни ижодий ўрганиб, амалга татбиқ этиш мустақил давлатимиз истиқболи учун эътиборга моликдир. Шундай экан, икки палатали парламентнинг тузилишига оид ва у қандай ижобий томонлари билан ўзини намоён этиши мумкин, деган саволлар туғилиши табиийдир.

Биринчидан - тайёрланган қонунларнинг юқори палата томонидан яна бир бор кўриб чиқилиши, қонун ижодкорлиги фаолияти такомиллашиши, узоқ вақтга мўлжалланган қонунларни жиддий муҳокамалардан сўнггина қабул қилинишига замин яратади;

Иккинчидан - айрим партиялар, гуруҳлар манфатлари нуқтаи назаридан келиб чиққан қонунларнинг қабул қилинишига тўсқинлик қилади;

Учинчидан - қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти ўртасидаги ўзаро алоқалар мутаносиблигига олиб келади.

Тўртинчидан - қонун қабул қилиниши жараёнидаги палаталар ўртасидаги фикрлар хилма-хиллиги ривожланиши, бу борада турфа "маданиятли" дебатларнинг кучайиши ва профессионал парламентаризм институтининг ташкил топилишига имконият яратади.

Бешинчидан - қуйи палата кўринишида бевосита ҳар куни парламентда иш фаолиятини амалга оширадиган кучли депутатлар гуруҳларининг шаклланишига хизмат қилади.

Олтинчидан - парламетимизнинг жаҳон ҳамжамияти парламентлари ўртасида тутган ўрнини мустаҳкамлашга ҳамда демократия ва инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилинишининг янада кучайувига олиб келади.

РАҲБАР ОРГАНЛАР

Парламент фаолиятини амалга оширишда унинг раҳбар органлари муҳим ўрин тутади. Икки палатали парламентнинг ҳар бир палатаси ўз раҳбар органига эгадир.

Аънанага кўра, палаталар раҳбарлари спикер, раис, президент деб аталиши ҳам мумкин. Одатда депутатлар қуйи палаталарда спикерлардан ташқари бир ёки икки кишидан иборат вице-спикерларни ҳамда котибларни ҳам сайлаб олиши мумкин бўлади. Баъзи бир давлатларда (Франция, Италия, Бельгия) парламентнинг маъмурий ва хўжалик ишларини квесторлар олиб борадилар.

Юқори палата раисининг лавозими ҳар бир давлатда ўзига хос жиҳатларга асосланган ҳолда амалга оширилди. Баъзи давлатларда (Франция, Италия, Япония) у қуйи палатанинг раиси каби сайланади. Кўп ҳолларда юқори палатанинг раиси ўриндошлик асосида (ex oficio) олиб борилади. Масалан, АҚШ ва баъзи президентлик республикаларида вице-президент автоматик равишда юқори палатанинг раиси деб ҳисобланади. Буюк Британияда лордлар палатасига лорд-канцлер раҳбарлик қилиб, у ҳукумат раҳбари томонидан тайинланади. Канаддада юқори палата раиси ҳукумат раҳбарининг тақдимномасига биноан генерал-губернатор томонидан тайинланади.

Палаталарнинг раҳбарлари коллегиал органлар тузиш ҳуқуқига эгадирлар. Масалан, Германияда Бундестаг регламентига биноан йиғилиш мобайнида палата президенти ва икки котиб томонидан президиум тузилиши мумкин. Испанияда ҳар бир палата ўз бюроларини сайлаб олади. Бюро палатанинг коллегиал органи ҳисобланиб, палата раиси, тўрт вице-раис ва тўрт котиб таркибида иш юритади. Шунга ўхшаш ҳолат Франция ва Италия парламентларига ҳам хосдир.

Баъзида, палата раисларидан ташқари уларнинг доимий ўринбосарлари ҳам сайланади. Улар - йиғилишларда деярли кам ҳолларда қатнашадиган раис ваколатларини амалга оширади. Масалан, АҚШ вице-президенти Сенат йиғилишларида кам иштирок этади (ушбу ҳолат одат тусига айланган), шунинг учун ҳам Сенат вақтинчалик раис ҳисобланмиш - Сенат раисини сайлайди.

Раис ёхуд раҳбар органларининг (бюро, президиум) ваколатлари парламентнинг деярли барча фаолиятига таъсир ўтказади. Раис ўзга давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан бўладиган алоқаларда парламент номидан иш олиб боради. У парламент иш режасини тасдиқлаш, мажлислар ўтказилишида раҳбарлик қилиш, кун тартибида турган масалаларни кўриб чиқиш учун тақдим қилиш, қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш ва овоз бериш тартибини белгилаш каби муҳим ваколатларни амалга оширади.

Раис эгаллаб турган лавозими нуқтаи назаридан парламентдаги энг нуфузли шахс ҳисобланиб, у парламент иш фаолиятини янада ривожлантириши ёки аксинча унга тўсқинлик қилиши ҳам мумкин. Масалан раис баъзи ҳолларда оппозиция тарафига кўп сўз бериб юбориши, депутатларнинг сўзга чиқиш вақтини қисқартириши ва ўз хатти-ҳаракатлари билан фракциялар ўртасидаги тенглик тамойилига путур етказиши мумкин. Шунинг учун раисдан доим мутлақ нейтрал бўлиш, у ёки бу партияларнинг манфаатларини кўзламасдан иш тутиш талаб қилинади.

Парламент иш фаолиятини қўмиталарсиз (ёки комиссияларсиз) тасаввур қилиш мушкулдир. Парламент қўмиталари ёки комиссиялари - махсус органлар ҳисобланиб, депутатлардан ташкил топади. Уларнинг асосий вазифалари қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва баҳо бериш ҳамда қонунларнинг ҳаётга қай даражада татбиқ этилиши устидан назоратни амалга оширишдир.

Комиссиялар - вақтинчалик ёки доимий бўлиб, доимий комиссиялар ўз навбатида ихтисослашган ва универсал кўринишда бўлади.

Вақтинчалик комиссиялар - бирон-бир аниқ масалани ҳал этиш учун тузилиб, ушбу масала ҳал этилгач, улар тарқатиб юборилади. Улар тергов комиссиялари, қонун лойиҳасини ўрганиш комиссиялари бўлиши мумкин.

Доимий комиссиялар - парламент палатаси тузилиши билан биргаликда ўз фаолиятини бошлаб, уларнинг ваколат муддатлари тугагунга қадар фаолият кўрсатадилар.

ҚОНУНЧИЛИК ЖАРАЁНИ

Парламентлар ваколат доирасига назар ташлар эканмиз, унинг асосий вазифаси - қонунчилик фаолияти билан шуғулланиш эканига гувоҳ бўламиз. Қонунчилик жараёни ўзига хос аҳамият касб этиб, қуйидаги босқичлардан иборатдир.

Биринчи босқич, қонун лойиҳаси бўйича таклиф киритишдир. Таклиф киритиш ҳуқуқи асосан парламент палаталари ва комиссиялари, ҳукумат, парламент фракцияларига тегишли бўлади.

Иккинчи босқич - қонун лойиҳасини муҳокама қилиш. Жаҳон мамлакатларининг аксариятида қонунларни муҳокама қилиш ҳар икки палатада ҳам параллел равишда кечади. Бироқ қонун лойиҳаси дастлаб қуйи палата томонидан тасдиқланади.

Учинчи босқич, мунозараларга бой бўлган қонунни қабул қилиш босқичидир. Жаҳон мамлакатлари парламентларида ушбу масала бўйича икки хил ёндошув мавжуд. Баъзи парламентлар қонунни қабул қилишда қуйи палатага кенгроқ ваколат берса, баъзиларида ҳар иккала палатанинг ваколатлари тенглаштирилган. Шунга мувофиқ парламентлар ё заиф ё кучли юқори палатали парламентларга бўлинади. Заиф юқори палатали парламентларда (Буюк Британия, Германия) қонун қабул қилиш бўйича юқори палата ветосини қуйи палата четлаб ўтиши мумкин. Жумладан, Испания Конституциясининг 90-моддасида айнан шундай ҳолат эътиборга олинган.

Кучли юқори палатали парламентда эса қонун фақат ҳар икки палата тасдиғидан ўтгандан сўнггина кучга кириши мумкин. АҚШ парламентини кучли юқори палатали парламент сирасига киритиш мумкин. АҚШ Конституциясига мувофиқ, ҳар икки палата тасдиғидан ўтган "Билль" гина (лойиҳа, ҳужжат) қонун деб эътироф этилиши мумкин.

Тўртинчи босқич, қонун промульгацияси (тасдиқлаш) ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши босқичидир. Бу босқич юқоридаги босқичларга нисбатан энг асосийси ҳисобланиб, давлат бошлиғи томонидан қонуннинг имзоланиши ёки унга нисбатан вето қўлланилиши (рад этиш) муҳим аҳамият касб этади. Айнан вето қонунларнинг сифатли бўлишига, фильтрланишига замин ярата-

ga солувчи бир қанча қонунлар мавжуд, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисида»ги Қонунлар шулар жумласидандир. Ўзбекистон Республикаси парламентининг икки палатали шаклга ўтиши муносабати билан тегишли қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритган ҳолда, уларни бир тизимга солиш, кодификациялаштириш парламент фаолиятини тартибга солувчи мукаммал ва ихчам ҳуқуқий асос яратишга ёрдам беради.

ЮҚОРИ ПАЛАТАНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Дунё давлатлари парламентлари юқори палаталарига уларнинг аъзоларини танлаб олиш ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар қуйидаги тўрт босқични ўз ичига қамраб олади:

1) тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан; Бу механизм Италия парламентида яққол кўзга ташланади. 315 сенатордан иборат Италия Сенатининг 75 фоизи можаритар тартибда бир мандатли округлардан, 25 фоизи эса пропорционал тартибда сайланиб олинади;

2) кўп босқичли овоз бериш йўли билан; Францияда фуқаролар бутун парламент таркибини сайлаб оладилар. Шундан кейин Парламентнинг биринчи йиғилишида депутатлар ўз таркибларидан юқори босқичларнинг қай бирини татбиқ этиш ва қай бири маълум бир давлатнинг сайлов тизимига мос келиши, албатта ҳар бир давлатнинг миллий ҳуқуқий тизимидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Хўш, Ўзбекистонда бу босқич қандай кечади? Юқори палата вакилларини кимлар ташкил этади ва қолаверса юқори палатанинг ҳуқуқий мақоми қандай кўринишда бўлади, деган бир неча муҳим саволлар туғилиши табиий.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси саккизинчи сессиясида муҳтарам Президентимиз янги икки палатали парламентни барпо этиш йўлидаги бир неча муҳим масалаларга ойдинлик киритдилар. Парламент қуйи палатаси - қонунчилик палатаси, юқори палата эса - Сенат деб номланиши, қонунчилик палатасига аъзо бўлиш учун асосий даъвогарлар сифатида сиёсий партиялар ва сайловчиларнинг ташаббус гуруҳлари майдонга чиқиши, юқори палатага эса сайловчилар томонидан барча маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар сафидан территориал субъектлардан қатъи назар - Қорақалпоғистон Республикаси бўладими, вилоятлар, ёки Тошкент шаҳри бўладими - уларнинг ҳар биридан олти нафардан депутат сайланиши ва Президент томонидан ўн олти нафар эл-юртда обрў-эътибор қозонган кишилар ҳам юқори палатанинг аъзоси бўлиши шулар жумласидандир.

Шубҳасиз юқори палата вакиллари вилоят, шаҳар ва туманлардаги маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар таркибида иш юритиши мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир депутат юқори палатада ўз ҳудудий манфаатларини ҳимоя қилар экан, ҳудуднинг ҳақиқий аҳволи ҳақида етарли даражада тушунчага эга ва камида сўнгги 5 йил мобайнида шу ерда истиқомат қилган бўлиши лозим. Бу ҳудуд миқёсида юз берадиган барча муаммоларни самарали ҳал этишда депутатнинг ўз сайловчилари билан тез-тез мулоқотда бўлиши кўл келади.

Жаҳон мамлакатлари парламентларининг ишлаш механизмини таҳлил қилганда, деярли уларнинг кўпчилигида қуйи палата депутатлари мутлақ кўпчилик овоз бериш йўли билан юқори палата томонидан белгилаган ўзгартишлар ёки ветоларни қабул қилмаслигини кўришимиз мумкин. Бу ҳолат юқори палатанинг заифлигини ва қонун қабул қилиш жараёни шунчаки бир палатадан иккинчисига ўтиб юришини кўрсатади холос. Америка Қўшма Штатлари парламентининг ҳар икки палатаси ҳам қонун чиқариш жараёнида бир хил ҳуқуқларга эга бўлиб, қонун лойиҳаси қайси палатага киритилишидан қатъий назар, ҳар икки палатанинг умумий розилиги асосидагина қабул қилиниши мумкин. Ҳар бир палата ўзининг аниқ белгиланган ваколатлари доирасида иш юритади. Вакиллар палатаси қатъиян молиявий масалалар билан шуғуланса, Сенат халқаро шартномаларни ратификация қилиш, маъсул мансабдор шахсларни лавозимларига тайинланишини тасдиқлаш, импичмент масаласи кўтарилганда суд вазифасини бажариш каби ваколатларни амалга оширади.

Фикримизча, парламентнинг ҳар икки палатаси бир хил овозга эга бўлиши ва қонун ҳар икки палатанинг умумий розилиги асосидагина қабул қилиниши ёки ҳам муҳим аҳамият касб этади. Деярли кўпчилик Европа давлатларида депутатликка ўртача 22 ёшдан, сенаторликка ўртача 45 ёшдан сайланиш мумкин.

Яна бир муҳим масала Парламентдаги сенаторларнинг қайси тармоқ вакили эканлигидир. Мисол учун Ирландия Парламенти Сенатининг сенаторлари турли тармоқ вакиллари ҳисобланиб, улар илм-фан, қишлоқ хўжалиги, маданият, ҳуқуқшунослик ва ҳоказолардан иборат таркибда сайланади. Буюк Британия Парламентининг юқори палатаси ҳисобланмиш Лордлар палатасида ҳуқуқшунос лордларнинг мавқеи жуда кучлидир. Сенат ҳал қилувчи орган бўлиб унинг вакиллари ҳам ҳар тамонлама интелектуал салоҳиятга эга бўлган кучли Сенаторлардан иборат бўлишлари керак.

Хулоса қилиб айтганда, парламентнинг қуйи палатаси асосан қонун яратувчилиги жараёнини амалга ошириш, бу борадаги жаҳон парламентларининг тажрибаларини ўрганиш, қонунлар мониторингини олиб бориш ва илмий тадқиқотларни йўлга қўйиш, ижро ҳокимияти органлари актлари қонунларга мослиги таҳлилини ўрганиши керак бўлади.

Ўз навбатида парламентнинг юқори палатаси давлат қурилиши, ижроия ҳокимияти органлари раҳбарларини танлаш, ташқи сиёсий стратегик дастурларни ишлаб чиқиш, давлат бюджетини қабул қилиш, халқаро шартномаларни ратификация ва деноносация қилиш ва энг муҳими қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилиши юзасидан назоратни ташкил этиш каби масалалар билан шуғулланмоғи керак.

Амалга оширилиши лозим ишлар ҳали талайгина бўлиб, икки палатали парламентга ўтиш ва унинг шакллантирилиши йўлида олиб борилаётган ҳаракатларга ҳеч биримиз бефарқ муносабатда бўлмасдан, бу борада ўз таклиф ва мулоҳазаларимизни билдиришимиз даркор. Зеро бу миллатимиз, давлатчилигимиз истиқболига молик масаладир.

Равшан ЖЎРАЕВ,
Тошкент Давлат юридик институтининг аспирант-тадқиқотчиси
Аброр АНОРБОЕВ,
Тошкент Давлат юридик институти талабаси

УШБУ СОНДА:

"АВВАЛ ҲОКИМ РУҲСАТ БЕРСИНЛАР..." Биринчи муовин нега мустақил фикр билдира олмади? 2

ЎЗБЕК МЕНТАЛИТЕТИ: ЖАМОАВИЙЛИК ВА ИНДИВИДУАЛЛИК НИСБАТИ 3

ХОНЗОДАНИНГ МАНЗИЛИ Ларошфуко ҳикматлари 4

Mustaqil gazeta HURRIYAT

Таҳлил

“АВВАЛ ҲОКИМ РУҲСАТ БЕРСИНЛАР...”

Биринчи муовин нега мустақил фикр билдира олмади?

Сурхондарёнинг Термиз тумани вилоят марказида шундоққина туташ. Оддий қилиб айтсак, “кўзга яқин”. Шаҳри Термизга қадам ранжида қилган меҳмон борки, шу туман ҳудудини кесиб ўтади. Шунданми, туманда амалга оширилаётган ҳар бир ибратли иш, ҳар бир муаммо дарров кўзга ташланади. Шу маънода давлатимиз раҳбарининг халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида айнан мазкур тумандаги муаммолар хусусида қайта-қайта жон куйдириб фикр билдиргани бежиз эмас.

Сессиядан роппа-роса бир ой аввал қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар хусусида мақола тайёрлаш мақсадида худди шу туманга ижодий сафар қилгандим. Ушанда ҳокимнинг биринчи муовини Абдумурод Абдураҳмонов бизни хушламайгина қабул қилдилар. (***Бу пайтда туман ҳокими Тошкентда бўлган — Д.О.***). Мақсадимни эшитгач, орамизда мухтасаргина қуйидаги суҳбат бўлиб ўтди:

— Ишларимиз зўр, пахтани бажардик, ғаллани уддаладик. Шундай деб ёзиб қўя қолинг.

— Яхши-ку-я, аммо “зўр ишлар” ҳақида ёзиш учун ҳам ўзига яраша маълумот, статистик рақамлар керак.

— Ҳа, энди, бу ёғида бизга рухсат йўқ. Катта (Ҳоким демоқчи — Д.О.) келсинлар, ўзларидан олаверасиз барча маълумотларни.

— Ахир Сиз ҳоким вазифасини бажариб турган бўлсангиз, бу ёғи Ҳоким бова келганлари билан, барибир фактлар сизнинг қўлингиздаку. Адашмасам, қишлоқ хўжалигининг назорати сизнинг зиммангизда, шундай эмасми?

— Ҳа, энди... Катта келгунларича мухбирларни қабул қилмаслик хусусида топшириқ бўлган-да.

— Ким шундай топшириқ қилган?

— ...

— Амалдаги қонунларимизда ОАВ ходимига ёзиш ёки ахборот олиш учун биров (жумладан, ҳоким) рухсат берсин, деган жойи йўқ. Ё мен адашдиммикан? — дейман ўзимни билмасликка олиб.

— Билмадим, билмадим, қонунларимизни ҳурмат қиламиз, албатта. Аммо бизда тартиб шунақа-да, мухбир ака. Катта бир нарса демасалар, мен ўзимча хулоса беролмайман...

Суҳбатнинг қолган қисмини келтирмай қўя қолай. Ахир мақола ёзишдан мақсад ҳоким муовинидек лавозимда ишлаётган кишининг саводхонлик даражасини “дастурхон” қилиш эмас-да.

Бир масала юзасидан икки карра сафар қилганим учун кетган вақтимга ачинганим йўқ. Чунки касбимиз шунақа: режалаштирган ишинг учун зарур маълумотларни ҳар доим ҳам осонликча қўлга киритиб бўлмайди. Аммо дуппа-дуруст раҳбар, раҳбар бўлганида ҳам бутун бир туманнинг тақдири ишониб топширилган эътиборли ШАХС қонунларимизни ҳурмат қилса-ю, унга амал қилмаса, ҳатто ҳокимнинг рухсатисиз шахсий хулоса, нуқтаи назарини эркин айта олмаса, энди бундай совуққонликка ҳар қанча ачинсанг, куйсангда, арзийди. Шундай эмасми?

Хуллас, кўзланган мақсад тўлиқ амалга ошмаган бўлсада, баъзи бир маълумотларни олишнинг қалови топилди.

Бозор иқтисодиётининг барчага аён темир қонуни мавжуд. У ҳам бўлса, қайси соҳа бўлмасин, ҳар қандай даромад ва буромад пироварди ФОЙДА билан якун топиши керак. Демак, барча соҳадаги каби қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлардан бош мақсад ҳам шу: бир сўм харажат қилган деҳқон камида икки сўм даромад қилсин. Бунинг замирида эса аниқ ҳисоб-китоб, тежамкорлик, узоқни кўра билиш, истеъмол бозорини тўғри таҳлил қилиб бориш каби талаблар ётади. Термиз туман ҳокимлиги статистика бўлими, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидан олинган маълумотларнинг баъзан бир-бирига мос келмаслиги юқоридаги талаблар эътибордан четда қолмадимикан, қишлоқда ислоҳотларни амалга оширишда мавжуд тартиблар бузилмадимикан, деган хулосани беради. Мана, ўша рақамлардан баъзилари билан сиз ҳам танишинг. Ҳоким муовини айтганидек, ўтган хўжалик йилида туманда пахта, ғалла ва бошқа тур маҳсулотлар етиштириш, сотишда бир мунча ютуқларга эришилганидан кўз юмиб бўлмайди. Айниқса, ширкат хўжаликларида режалар бинойидек бажарилди. Аммо биз таёқнинг иккинчи учига ҳам эътибор қилдик — режа нималар эвазига бажарилган?

Туман истиқболни белгилаш ва статистика бўлимида барча хўжаликлар йилни фойда билан якунлаганлиги хусусида маълумотлар бор. Аммо асосий тур — пахта ва ғалла етиштиришдан олинган даромад ва буромадлар натижаси қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида бошқачароқ талқин қилинади. Жумладан, тумандаги “Каттақум” жамоа хўжалиги ғаллачиликдан 13,5 миллион сўм, “Термиз-2500” ширкат хўжалиги 1,7 миллион сўм зарар кўрди. Мавжуд 8 та хўжалик шу соҳада ҳаммаси бўлиб 52,3 миллион сўм зарар билан йилни якунлаган. Мутахассислар режадан ташқари маҳсулот етиштирган деҳқонларни рағбатлантириш учун 201 тонна ғалла бепул тарқатилганлигини бунга сабаб қилиб кўрсатишади. Рағбатлантириш яхшику-я, аммо бутун хўжаликни оёқдан қолдирадиган бунақа рағбатлантириш бозор иқтисодиётининг қайси талабига тўғри келади? Буни энди ўша мутахассисларнинг ўзлари ҳам тагига етмасалар керак. Ахир шунча маҳсулотни арзон нархларда сотилганда ҳам деҳқон анчагина даромад қилган, бинобарин хўжаликлар ҳам иқтисод қилиб қолинган ўша миллионларни ислоҳотларни ривожлантиришга йўналтирган бўлмасмиди?

Туман ширкат хўжаликлари пахтачиликда ҳам андайбундаймас, нақ 139,5 миллион сўм зарар кўрдилар. Яна ўша “Каттақум” жамоа хўжалиги 24 миллион, Дўланов номли ширкат хўжалиги 7 миллион, “Термиз-2500” ширкат хўжалиги эса 1,8 миллион сўмга чув тушди. Тўғри, “Янги ариқ”, “Янги ҳаёт”, “Дўстлик” каби хўжаликлар йилни ҳар икки соҳадан дурустгина фойда билан якунлаганлар. Ана шундай хўжаликларнинг фойдаси эвазига туман бўйича ғалла ва пахтачилик бўйича режалар ошириб бажарилган кўринади. Бировнинг тўни ўзгага либос бўлмаганидек, қишлоқ хўжалигида ҳар бир соҳада алоҳида ютуқларга эришилмас экан, ислоҳотлар тўлақонли амалга ошириляпти, деб ҳам бўлмайди.

Истаймизми-йўқми қишлоқнинг эртанги хўжайини, албатта, фермерлар бўлиб қолади. Аммо Термиз туманидаги фермерларнинг бугунги аҳволи хусусида гап кетса, ҳали-ҳануз эгалик ҳуқуқи ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмасдек. Негаки, улар ўтган йилда на пахтачилик ва на ғаллачиликдан режаларини уддалай олмадилар. Хусусан, фермерлар 2249 тонна ўрнига 1819 тонна ғалла сотиб режани зўрға 81 фоизга етказганлар. Ҳосилдорлик эса бор-йўғи 27,1 центнерни ташкил этди, холос. Пахта етиштиришда 81,4 фоизга қолиб кетган туман фермерлари кўзланганидан 624 тонна кам ҳосил йиғиштириб олдилар.

Тажрибадан маълумки, лалми ерларда ҳар гектардан 10-12 центнергача ғалла ҳосили олиш мумкин. Аммо юз фоиз сувли ерларда деҳқончилик қилувчи туманнинг баъзи бир “азамат” фермерлари мавсум давомида еттисаккиз марта суғорилган майдонлардан лалми ерларга нисбатан беш-олти баравар кам ҳосил олганига нима дейсиз? Хусусан, “Салтанат” фермер хўжалиги 0,8, Х.Аллаёров фермер хўжалиги 1,7, “Адолат” фермер хўжалиги 4,7, “Фазлиддин” фермер хўжалиги 3,8 центнердан ҳосил кўтарган. Умуман, тумандаги 76 фермер хўжалигидан 5 тасида ҳосилдорлик 5 центнерни, 6 тасида 10 центнерни, 10 тасида 20 центнерни ташкил этган, холос. Агар ушбу фермер хўжаликлари эгаллаб ётган бебаҳо ер майдонларидан йил давомида оқилона фойдаланмаганлик туфайли келтирилган зарарни ҳисобловчи бирор бир мард иқтисодчи топилганида борми, тумандаги кўпгина фермерларнинг оёғи осмонда бўларми-ди...

Туман ҳокимининг биринчи муовини Абдумурод Абдураҳимович газета мухбирига ахборот беришдан бош тортганида қишлоқ хўжалигидаги мана шундай қусурлар “очилиб” қолишидан чўчидилармикин? деган мулоҳазага боради киши. Шуни айтадиларда, касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади, деб. Бизнингча эса, туман қишлоқ хўжалигидаги бу “касалликлар”ни яшириш эмас, даволаш керак. Акс ҳолда у жорий йилда ҳам маддалаб кетмаслигига ким кафолат беради?

Даврон ОРИПОВ,
“Ҳуррият”нинг махсус мухбири

Ён дафтар

1997 йили “Шарқ юлдузи” журналида ёзувчи ва журналист Анвар Эшонов ҳақидаги хотираларим босилди. 2000 йилда бу хотираларим Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида “Қувноқ мухбирнинг саргузаштлари” номи билан китоб ҳолида нашр этилди. Ажойиб инсон Анвар Эшонов ҳақидаги кичик-кичик ҳажвий ҳикоялардан иборат асарни китобхонлар яхши кутиб олишди. У, айниқса, Анвар акани яқиндан билган кишиларга манзур бўлди. Баъзи ҳамкасбларим: “Энди бу мавзуни давом эттиринг. Ахир қизиқ воқеалар бошқа журналистлар ҳаётида ҳам бўлган-ку”, — дейишди.

Матбуотдаги қарийб қирқ йиллик фаолиятимни ёдга олсам, бошқа ҳамкасбларим ҳаётида ҳам кўплаб кулгили воқеалар бўлган экан. Қуйида уларнинг бир қисмини эътиборингизга ҳавола қиламан.

САМАРҚАНДЛИК НОТАНИШ ШОИР

“Тошкент оқшоми” газетасининг адабиёт бўлимига Ўткир Ҳошимов мудирлик қиларди. Бир йили меҳнат таътилига чиққанида унинг ўрнига янги ишга келган ёш шоир Отаёр Наҳанов қолди.

Наҳанов бўлимда “ҳокимият” вақтинча қўлига ўтганидан фойдаланиб, навбатдаги адабиёт саҳифасида бериш учун ўз шеърларини тавсия қилибди. Саъдулла ака уларни ўқиб “бўлмайди”га чиқарибдилар. Наҳанов яна ва яна ўз шеърларини тавсия қилибди. Муҳаррир бу шеърларни ҳам қайтарибди. Наҳанов муҳаррир қайтарган шеърларни тўртинчи марта олиб чиқаётганида, Саъдулла ака уни тўхтатиб:

— Ҳўв бола, Отаёр деган шоир ким ўзи? Менга фақат ўшанинг суюқ шеърларини олиб кираяпсан? — дебдилар.

Шунда Отаёр ҳам бўш келмай:

— Сиз уни танимайсиз, самарқандлик ёш шоир, — деб чиқиб кетибди.

ҚАЙНОНА-КЕЛИН УРУШИ

Фарғоналик журналист Адҳам Ҳамдам бир кун кечаси ишдан уйига ҳориб қайтса, хотини билан онасининг даҳанаки жанги устидан чиқибди. У аёлларни яхши гап билан тинчитмоқчи бўлибди. Лекин бунинг эвини қилолмабди. Охири, тоқати тоқ бўлиб: “Тўйдим сенлардан! Ўзимни ўзим тинчитмасам бўлмади”, — дебди-ю, фронтдан олиб келган тўппончасини ҳавода ўйнатганча ташқарига югургилаб чиқиб кетибди. Аёллар жим бўлиб қолишибди. Лекин унинг ортидан ҳеч ким чиқмабди. Адҳам ака қўлида тўппонча билан ташқарида бироз вақт тургач, яна ҳовлига қайтиб аёлларга:

— Жонингизга теккан эканман-да-а? Нега ортимдан чиқмадиларинг? — дебди.

— Мен тўппонча отилганидан кейин чиқаман, деб турувдим, — жавоб берибди хотини.

Алиназар ЭГАМНАЗАРОВ
(Давоми бор)

Ушбу сурат газеталаримиздан бирида анча илгари чоп этилган. Унинг қайси газетада, қачон чоп этилгани, муаллифи кимлиги ҳақида тўғри жавоб ёзиб юборган дастлабки 10 муштарий "Ҳуррият" газетасига иккинчи ярим йилга бепул обуна қилинади.

Муносабат

ТЕСТ АБИТУРИЕНТ АДОЛАТ



“ҲУРРИЯТ”, 2002 йил 12-сон

“Ҳуррият” газетасининг 2002 йил 12-сонида эълон қилинган “Тест, абитуриент, адолат” мақоласида тест саволлари орасида мукаммал тузилмаганлари ҳам учраётгани таъкидланиб, бу жараённи такомиллаштириш хусусида фикрлар билдирилган эди. Давлат Тест маркази тестларни саралаш, янги усул ва технологияларни тест тизимига киритиш, янги тест саволларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш борасида мунтазам иш олиб бормоқда.

Тест топшириқлари ўтган давр мобайнида анчагина такомиллаштирилди. Сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилди. Табиий фанлар соҳаларида мантиқий мушоҳада, фалсафий қарашларга асосланган тестларни кўпайтириш ва уларни қабул имтиҳонларига жорий этиш масалаларига катта аҳамият берилмоқда.

Маълумки, Давлат Тест марказида барча фанлардан тест топшириқлари асосан Давлат таълим стандартлари ва дастурларига мувофиқ равишда тузиб чиқилади. Шундан келиб чиққан ҳолда айнан юқоридагиларга таяниб барча мавзулар дарслик ва ўқув қўлланмаларидан танлаб олинади. Ижтимоий фанлар соҳасида, айниқса, тарих фани бўйича барча мавзулар дастурга таянган ҳолда асосий тарихий манбалар билан солиштирилади. Муқояса қилинган мавзу бўйича тестлар қайта текширилиб, муқобил жавоблари тақриздан ўтказилиб, имтиҳонларга тавсия қилинади.

Давлат Тест марказининг тест жамғармалари ҳар доим текширилиб тақриз қилинади. Масалан тарих фани тестлари академик Э.В.Ртвеладзе, тарих фанлари доктори Т.Ширинов, тарих фанлари номзоди Ш.Пидаев, тарих фанлари докторлари Ю.Буряков, В.Н.Ягодин каби йирик олимлар томонидан текшириб чиқилган ҳамда тақриздан ўтказилган. Мазкур йирик тадқиқотчилар тарих тестлари жамғармасидаги барча саволлар ва жавобларни ўрганиб чиқиш жараёнида, улардаги ижобий жиҳатларни, камчилик ва нуқсонларини кўрсатганлар, уларни такомиллаштириш борасида маслаҳат берганлар. Бу тестларни такомиллаштириш ва уларни янги сифат даражасига кўтариш учун ДТМда доимий равишда саъй-ҳаракатлар ва интилишлар бўлаётганидан далолатдир.

Бу ўринда ДТМ мутахассислари АҚШ, Япония, Туркия мамлакатларидаги олий ўқув юртларида, тест марказларида бўлиб, қўлланаётган илғор тажрибалардан воқиф бўлаётгани ва амалда қўллаётгани ҳам яхши натижалар бермоқда. Ўз навбатида ДТМнинг тажрибаси қўшни давлатлар томонидан ҳам ўрганилмоқда. Халқаро анжуманларда Ўзбекистон тест услубининг ижобий жиҳатлари эътироф этилаётгани бизни ғоят мамнун этади. Шунга қарамай, ҳали қилинадиган ишлар кўплигини эътироф этишимиз зарур.

ДТМ тест тизимини такомиллаштириш юзасидан билдирилган асосли мулоҳазаларни албатта эътиборга олади, деб ишонамиз. Зеро, бу умуммиллий масала бўлиб, халқимизнинг истиқболи билан чамабарчас боғлиқдир. Мақолада қайд этилган бошқа фактлар юзасидан ДТМ билан ҳамкорлик қилаётган мутахассисларнинг муносабат мақоласини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

“Ҳуррият” газетасининг 2002 йил 12-сонида журналист-ҳуқуқшунос Ҳ. Олимжоновнинг “Журналист суриштируви” рукни остида “Тест, абитуриент, адолат” мақоласи чоп этилди. Муаллиф абитуриент У.Аминованинг тарих, она тили ва адабиёт фанларидан тузилган айрим тест саволларига эътирози асосида юқоридаги мақолани ёзган. Ҳ.Олимжонов ДТМда У.Аминова билан боғлиқ ҳужжат ва баённомалар билан тўлиқ танишмаган, шунингдек, ДТМ ходимлари билан бу масала хусусида маслаҳатлашмаган. Натижада журналист суриштируви тўлақонли равишда юзага чиқмаган.

У.Аминованинг она тили бўйича тузилган биргина тестга билдирган эътирози ҳамда бу эътирозга мутахассислар олимлар шарҳи газетада эълон қилинди. Филология фанлари номзоди А.Рафиевнинг қисқа ва аниқ жавоби У.Аминованинг эътирози асоссиз эканини яққол кўрсатиб турибди. Филология фанлари номзоди Г.Рихсиева ҳам, А.Рафиев фикрини маъқуллаган ҳолда, ушбу савол “Таркиби биргина товушдан иборат қуйидаги қўшимчалардан қайси бири сўз ясаш хусусиятига эга” тарзида берилса, янада аниқроқ бўларди”, деган фикрни баён қилади. Тўғри, саволни олима айтганидек ифодалаш мумкин. Бироқ у ҳолатда тестнинг мураккаблик даражаси соддалашади ва у тўртинчи даражали мураккабликдаги тестдан иккинчи даражали содда тестга айланади. Чунки савол орқали биз ўқувчига маълум маънода ёрдамлашган бўламиз.

У.Аминова она тили ва адабиёти блокидаги 36 та саволнинг 10 тасига нотўғри жавоб қайтарган. Улар орасида Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган, шунингдек, ҳозирги адабиётимизга тегишли содда тестлар ҳам борки, уларни билмаслик У.Аминованинг мақолада таъкидланганидек, етарли даражада билимли эмаслигини кўрсатади.

Ҳар бир тузилган тест - ижод маҳсули. Ундан фойдаланиб, боланинг хотирасини, фикрлаш қобилиятини, дунёқарашини, қисқа вақт ичида маълум қоидаларини амалда татбиқ қила олишини, бадиий адабиётни ҳис қила билишини ва бошқа хислатларини аниқлаш мумкин. Синов пайтида абитуриентларга тақдим қилинаётган вариантларнинг ҳар бирида иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш учун, оз бўлса-да, учинчи, тўртинчи даражали мураккабликдаги тестлар ҳам мавжуд.

Тестларнинг асосий қисми биринчи, иккинчи даражали мураккабликдадир. Мураккаб тестлар ўқувчидан бир неча мавзуларни билиш баробарида, атрофлича мушоҳада юритишни ҳам талаб қилади. Бундай тестларнинг муқобил жавоблари бир-бирига жуда яқин бўлиб, қайсидир хусусиятига кўра фарқланади, холос. Абитуриент У.Аминованинг хатоси ана шу жавоблар орасидан мукаммаллини топа билмаганидадир. Шу сабабли ҳам у “Тест, абитуриент, адолат” мақоласидаги “абитуриент таҳлили” қисмида шундай ёзади: “Мен имтиҳон вақтида шу саволни кўриб чиқиб, берилган жавоблар ичида “А” вариантдаги жавобдан ташқари бошқа ҳамма вариантда берилган қўшимчалар сўз ясаш хусусиятига эга эканлигини кўрдим. Ва “В”, “С”, “Д”, “Е” вариантдаги жавобларни кўриб, буларнинг ичида “С” ва “Д” жавобларида сўз ясовчи қўшимчалар тўлиқроқ берилганини кўрдим. Мен вариантлардан “С” жавобини олдим.

Бу ўринда “кўрдим”нинг ўзи етарли эмас, чуқур мушоҳада юритиш талаб қилинади. “С” жавобда 4 та қўшимча, “Д” жавобда 5 та қўшимча кўрсатилса-ю, тўлиқроқ берилгани “С” жавоб бериш хатоликка йўл қўйишдир. Шу ҳолда бундай тестларга ўйламай-нетмай, “Савол мукаммал тузилмаган” деган тамғани босиш адолатдан эмас.

У.Аминова ўзининг 142-вариантидаги мураккаблик даражаси бирмунча осонроқ бўлган, тузилиши жиҳатдан юқоридаги тестга ўхшаган, ўқувчининг саводхонлик даражаси, нутқ маданияти, сўз бойлиги, сўздаги маъноларни фарқлай билишини текширишга бағишланган қуйидаги тестга нотўғри жавоб бериб, ўз билимининг бу мавзулар бўйича анча саёз эканлигини билдириб қўйган. Тестга эътибор беринг.

Қуйидаги жуфтликлардан қай бирини ўзаро бир-биридан фарқламаслик сўз қўллаш билан боғлиқ услубий хатога олиб келади?

1. арчиш-артиш; 2. ўтқазиш-ўтказиш; 3. баравар-баробар; 4.борлиқ-борлик; 5. азим-азм; 6. устод-устоз.

А) 1,2,3,4,5 В) 1,2,4,5 С) 1,3,4,5,6 Д) 1,2,3,4,5,6 Е) 4,6

Негадир У.Аминова бу тестда ҳам иккита тўғри жавоб бор, деган даъвони айтмайди, ҳолбуки, “Е” жавоб қисман тўғри жавоб ҳисобланади.

Мақола муаллифи “у дарсликка Оллоҳга ишонгандай ишонадиган кечаги ўқувчи ва бугунги абитуриент холос!” дейишда тамоман ҳақ. Лекин дарсликларимизни бекаму-кўст дейиш ҳам унчалик тўғри эмас. Ўқитувчилар айнан шундай камчиликларни ўрни билан ўқувчиларга кўрсатиб, изоҳлаб бериши керак. Дарсликларга ижодий ёндашиш - ҳар бир фидойи ўқитувчининг бурчи. Масалан, она тили бўйича дарслик ва қўлланмаларда баъзи мавзуларни ёритишда аниқ изчиллик йўқ. Маълум синфларга мўлжалланган муқобил дарсликларда айни бир мавзунинг икки хил ёритилиши, баъзан бири иккинчисини инкор қилиши, атамалардаги ҳар хилликлар тестларнинг тўғри жавобини топишда самарадорликнинг пасайишига сабаб бўлмоқда. Масалан, бугунги кунда абитуриент хукмига “ўзбек тилида нечта сўз туркуми мавжуд?” деган саволни ҳавола қилиб бўлмайди, чунки бир дарсликда 11 та сўз туркуми мавжудлиги айтилса, иккинчисида 12 та, учинчисида 9 та сўз туркуми борлиги таъкидланади. Албатта, Давлат стандартлари асосида яратилаётган янги дарсликлар тўлалигича таълим тизимида жорий қилингач, бу муаммолар бартараф этилади. Кўриниб турибдики, тест усули ёшларимизнинг билимини синовдан ўтказиш баробарида, дарсликларимиз савиясини ҳам яққол кўрсатиб берадиган омил бўлиб бормоқда.

Шу нуқтаи назардан тарих фанига оид дарсликларимиз ҳам тамоман янгиланиш жараёни босқичида экан, уларда турлитуманлик, зиддиятли фикрлар бўлиши табиий. Энг асосийси, умумий ўрта таълим бўйича Давлат таълим стандартларининг тасдиқланиши ва у асосида яратилаётган дарсликлар тарихимизни турли-туман талқин қилишга чек қўяди.

У.Аминова тарих фанига оид бўлган қуйидаги тестга эътироз билдирган:

Келиб чиқиши бир ўзакка бориб тақалувчи халқлар қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А) сосонийлар, аббосийлар
В) юз-чжилар, шаклар
С) хунлар, оромийлар
D) сомонийлар, оромийлар
Е) парн-дахлар, марғиёналиклар

Бу тестнинг тўғри жавобини топишда абитуриент А.Кабиров, Ф.Коровкинларнинг “Жаҳон тарихи”, 5-6 синфлар учун дарслиги фойдаланганлиги таъкидланади. Журналист суриштирувида тарихчи олимлар қисқа, аниқ, тест моҳиятидан келиб чиқиб, яъни 1995 йилда нашр этилган дарсликдаги фактлар эски қарашлар маҳсули эканлигини журналистга очиқ-ойдин баён қилганларида, балки мунозарага ўрин қолмаган бўларди. Айниқса, Давлат таълим стандартларининг муаллифларидан бири - доцент Ж.Раҳимов “тарихчи олим ва педагогик муаммолар билан узоқ муддат шуғулланган тадқиқотчи сифатида” мунозараларга сабаб бўлган тест ҳақида мавзуга, илмга алоқадор жўяли фикр билдирганда, абитуриентга ҳам, газетхонга ҳам фойдали бўларди. Олимнинг фикрича: “Энг муҳим нарса, ўқувчи ва ўқитувчи учун Давлат таълим стандартларига асосланиб чиқарилган дарслик билим олишнинг бош манбаи ва ўқув қўлланмасидир”. Биз ҳам бу фикрларни тўла тасдиқлаймиз, ҳақнинг қарор топишига бел боғлаган журналист ҳам айнан шу фикрга таянгани шубҳасиз. Лекин афсуски, Давлат стандартлари муаллифи ё бор ҳақиқатни атайлаб яширган, ё Давлат таълим стандартларидан бехабар. Аслида бор ҳақиқат қуйидагича: Давлат таълим стандартларида Кушон подшолиги “Ўзбекистон тарихи” ўқув дастурига киритилган (Қаранг, Умумий ўрта таълимнинг давлат стандарти ва ўқув дастури, 1999 й, 101-бет), стандартларга биноан, Жаҳон тарихи (Қадимги давр, 6-синф, 34 соат) ўқув дастурида Кушон подшолиги берилмаган, атиги “Янги Вавилония, Эрон подшолиги” учун 1 соат ажратилган (умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Давлат ҳуқуқи ва асослари. 1999 йил, 2-махсус сон; 134, 159-160-бетлар - “Шарқ” нашриёти). Хўш, шундай экан, Давлат таълим стандартида кўрсатилиши бўйича баҳсга сабаб бўлган тест мавзуси “Ўзбекистон тарихи” ўқув дастурида бўлгач, стандарт асосида 1999 йил нашр этилган дарсликка таяниш керакми ёки стандартларда кўрсатилмаган, ўқув дастури яратилишидан анча илгари, 1995 йилда нашр қилинган “Жаҳон тарихи” китобига суяниш керакми? Ушбу мунозарага сабаб бўлаётган тестнинг тўғри жавобини 1999 йилда нашр қилинган А.С.Саъдуллаев, В.А.Костецкий, Н.К.Норқуловларнинг “Ўзбекистон тарихи” 6-синф дарслигининг 116, 133, 148, 159- бетларидаги маълумотлардан билиб олиш мумкин. Ушбу тестнинг муқобил жавобларидаги нотўғри жавоб тест технологиясига кўра асосланмаган, нотўғри бўлиши мумкин.

Яна бир нарсани қайд қилиб ўтишимиз керак, академик А.Асқаровнинг “Ўзбекистон тарихи” (5-синф) китоби мактаб ўқувчилари учун эмас, балки тарих ўқитувчилари учун қўлланма сифатида тавсия этилган. Ва яна бир маротаба шуни такрор айтишимиз керакки, ҳозирги вақтда А.С.Сагдуллаев, В.О.Костецкий, И.Норқуловларнинг “Ўзбекистон тарихи” (6-синф) дарслиги амалдадир.

Демак, юқоридаги жумлалардан ҳар бир шахс хоҳ у журналист, хоҳ у мутахассис бўлсин, асосли факт ва материалларга асосланиши ва таяниши талаб этилиши лозимлигини англаш мумкин. Бу эса ўз навбатида ҳар бир сўз ва жумланинг моҳияти ва мазмунини тўлиқ идрок этишни талаб этади.

Шу билан бир қаторда яна бир нарсани алоҳида қайд этишимиз керак, у ҳам бўлса ўрта мактаблар, лицейларда, шунингдек, тайёрлов ва ўқув марказларида таълим ҳамда сабоқ берувчи ўқитувчилар, мутахассисларнинг Давлат таълим стандартлари ҳамда янги мазмундаги дастур асосида иш режаларини тузишлари ва айнан шу йўналишда фаолият юритишлари мақсадга мувофиқдир. Чунки юқоридаги ҳужжатларда ҳар бир синфга хос дарслик, ўқув қўлланмаси ва мавзулар ҳамда ажратилган соатлар аниқ қайд этилган. Бу мактаб ўқитувчилари, ўқувчи ва абитуриентларнинг дарслик ва ўқув қўлланмаларидан фойдаланишини тартибга ва чегарага солади ҳамда уларни аниқ режа асосида билим олишига имкон беради.

Б.АМИНОВ,
Давлат Тест маркази эксперти, тарих фанлари номзоди,
А.МАДВАЛИЕВ,
филология фанлари номзоди

ТАҲРИРИЯТДАН: “Тест, абитуриент, адолат” мақоласи юзасидан таҳририятимизга талай хатлар келди, қўнғироқлар бўлди. Бу мурожаатларда муштарийларимиз тест тизимининг афзалликлари, уни такомиллаштириш борасида ўз мулоҳазаларини баён қилганлар. Дарҳақиқат, Ватанимиз таълим тизимида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар, бу соҳада қўлга киритилган улкан муваффақиятлар ва ютуқлар Давлат тест марказининг фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. Тест тизими жорий этилгач, Республикамизда кўпгина истеъдодли ва билимли ёшлар ўз ақлий қобилиятларига таяниб, Олий ўқув юртларига ўқишга қабул қилиндилар.

Буларнинг замирида ДТМ ва унинг ходимлари олиб бораётган машаққатли меҳнат ётади. Тест тизимининг обрўсини ошириш ва уни янада такомиллаштириш юзасидан мақола битган ҳамкасбимизга ва унга бефарқ бўлмай, муносабат билдирган барча олимлар, мутахассислар ва муштарийларга миннатдорлик билдирамиз.

Мунозара

ЎЗБЕК МЕНТАЛИТЕТИ: ЖАМОАВИЙЛИК ВА ИНДИВИДУАЛЛИК НИСБАТИ

Маълумки, ўзбек халқи асрлар мобайнида жамоа бўлиб истиқомат қилиб келган ва оиласи, ўз уруғи, эл-элати, ватани, касби-корига содиқлик асосий тамал тоши вазифасини ўтган. Халқимизнинг жамоавий табиати унинг нафақат ўтроқ турмуш тарзида яшовчи қисмида, балки чорвачилик билан банд гуруҳлари учун ҳам хос хусусият бўлган. XVI аср ёзма манбаларида қайд этилишича Хоразмда чорвачилик билан машғул бўлган, кейинроқ рус босқинчиларига бўйин эгмаган мағрур ёвмит уруғи, Сурхондарёда қўнғирот уруғи, Қашқадарёда қуччи уруғлари чорва кўчиши билан боғлиқ равишда ҳудуд алмашиб ҳаёт кечиришларига қарамай, ўз уруғлари билан бирга яшаб, жамоавий турмуш тарзига ўзига хос тарзда амал қилиб келганлар..

Жамоавийлик ўзбек менталитетида касб-корга, иқтисодий омилларга боғлиқликдан ҳам кўра, этник ва руҳий-маънавий омилларга кўпроқ боғлиқлик билан изоҳланади.

Жамоавийлик ҳодисасининг маънавий-руҳий, этник омилларга кўпроқ боғлиқлиги шахс табиатида доимий равишда икки ахлоқий куч ўртасида, яъни уруғ-жамоа олдидаги бурч билан ўз-ўзига масъуллик туйғулари ўртасидаги нисбат меъёрига устувор аҳамият бериб келиниши билан изоҳланади. Ана шу икки ахлоқий омил баҳсида бирор кимса жамоа олдидаги бурчини бажармай қолгудек бўлса, шахс жамоавий ҳукм раъйига асло қарши бормаган, ўзига лойиқ жазони мўминлик билан қарши ола билган. Бильакс, шахс ўз-ўзига масъулликдан иборат маънавий омилни бузиб қўйгудек бўлса, у асло ўзини кечира олмаган. Аксарият ҳолларда ўз жонига қасд қилган ёхуд ғанимларга қарши жангларда шаҳид бўлишга интилган. Ўзбек менталитетида ўз-ўзига масъуллик туйғуси халқимиз табиатида садоқат, ор-номус, иффат, ҳаё, ибо, виждон, орият, нафсоният, иззат-нафс, ҳалоллик, тўғри сўзлик сингари ажойиб фазилатлар ривож топишига имконият яратган.

Маълумки, халқ табиати, менталитетига ўзаро низолар, урушлар, босқинлар, очарчилик, ўзга халқларнинг сиёсий-мафкуравий истилолари жиддий талафот етказади. Халқимиз тарихида энг тушкун давр деб баҳоланган XVI ва XIX асрларда миллий менталитетимизнинг ўзак илдизларига болта урилди. Субутсизлик, ёлғончилик, тилёғламалик, мутелик, қўрқоқлик сингари иллатлар пайдо бўла бошлади. Халқимиз ижтимоий, сиёсий, маънавий мўлжалларини йўқотиб, одамларда ҳақиқий хавф билан ваҳима, гина билан адоват, дўст билан душман ўртасидаги фарқни илғаш ва англаш салоҳиятлари сезиларли даражада камайди. Ички душманлар гинани адоватга, хушёрликни ваҳимага, дўстни душманга айлантиришга эриша бошладилар. Ташқи душманлар эса, бир қарашда ишониб бўлмайдиган даражада оз куч, яъни бор-йўғи бир неча минг аскар билан бутун Марказий Осиёни босиб ола бошладилар. Агар даврлар тўқнашуви ҳаёлан амалга оширилса, ёш авлод олдида XIX асрда яшаган аждодларимиз маънавий ноқулайлик ҳолатларида қолган бўлур эдилар. Қиёслаш учун мисоллар: Муҳаммад Хоразмшоҳ қўшинлари 300-400 минг аскардан иборат бўлиб, Чингизхон 200 минг кишилик лашкари билан мамлакатимизни забт этган. Халқимизнинг мард, жасур фарзандлари Жалолиддин Мангуберди ва Темур Малик бошлаган қаршилик кўрсатиш ҳаракати етарли даражада қўллаб-қувватланмади. XVII асрда Нодиршоҳ 30 минг лашкари билан юртимизни забт этган. XIX асрда юртимизга бостириб келган рус қўшинлари сони бор-йўғи бир неча минг кишидан иборат бўлгани ҳолда биргина Бухоро амирлигининг 40 минг, Қўқон хонининг 30 минг аскарлари бўлган. Ғоявий бирлик, ҳақиқий фидойилик, ватанпарварлик, ватанга чин муҳаббат сустлиги боис, шунча қўшин, имкониятларга қарамай, душманларга арзирли қаршилик кўрсата олинмаган. Ҳолбуки, халқимиз тарихида оз куч, аммо ғоявий бирлик, метин ирода шиддати билан сон-саноқсиз ғанимларни мағлуб этган баҳодирларимиз кам бўлмаган. Булар жумласига Амир Темур, Шоҳрух, Бобур давридаги музаффар саҳифаларни келтириш мумкин. Аммо ғоявий бирлик емирилган даврларда халқимиз бошига балолар қайтадан ёғила бошлади. Душман ички парокандалигимиз, тарқоқлигимиз сабабли буюк шаҳарларимиз, муаззам қалъа, қўрғонларимизни забт этишга эришди.

Юртни эгаллаган ғанимлар эса биринчи галда халқ руҳини синдириш, менталитетини ўзгартириш борасида иш олиб бордилар. Халқ руҳини синдириш эса унинг эътиқодини, маслаги, мафкурасини ўзгартиришдан бошланган. Араблар диний асосларимизни ўзгартириб миллий менталитет тизимига таъсир кўрсатган бўлсалар, мўғуллар истилоси урф-одатлар, маърака-маросимлар, удумларга риоя қилиш тартиботларини абсолютлаштириш орқали халқимизнинг этнологик таркиби ва мазмунига жиддий таъсир кўрсатди. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, мўғуллар босқинидан сўнгги даврларда Моваройнаҳрда урф-одатлар кучи баъзан маҳаллий ҳокимлар ҳукмларидан ҳам устунроқ мавқеларга эга бўлган. Урф-одатлар, маросим ва удумлар аҳоли учун турмуш тарзининг асоси, ижтимоий-маънавий ўзаклари вазифасини ўтаб келган. Нодиршоҳ истилосининг оқибатида эса, йирик шаҳарларимиз турмуш тарзи, урф-одатлар мазмунида катта ўзгаришлар юз беради. Форсларга хос хусусиятлар, яъни аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштирокини тамоман чеклаш, паранжининг ялпи киритилиши, диний мутаассибликни рағбатлантириш жараёнлари амалга оширилди. Рус босқинчилари эса, дастлаб мактабмаориф тизимини ўзгартириш, Европа турмуш тарзини жорий этиш, рус тилини сингдириш, миллий қадриятларни топташ, миллий мерос ёдгорликларини босқичма-босқич йўқотиб бориш жараёнларини режали тарзда амалга ошириш орқали рус менталитетининг устунлигини одамлар онгига сингдириш йўлидан борди.

Мазлум аждодларимиз руҳидаги лафзи қатъийлик, турғунлик, орият, нафсоният сингари фазилатларга қарши узоқ давом этган мунтазам кураш бошланиб кетди. Ярим асрлик чоризм тутқуни, 70 йиллик шўролар мустамлакачилик сиёсати халқ характерида салбий иллатларни ривожлантиришга куч бериб келди. Миллат бағридан ўсиб чиққан соғлом новдалар ўз вақтида қирқиб, ихота қилиб борилди. Одамлар фаровонлик, эркинликда эмас, аксинча қуллик ва забунликда тенглик меъёрига мажбуран риоя эттирилиб, кимда-ким забунликдан норози бўлгудек бўлса, бу ҳақда маълумот етказган кимсаларга илтифотлар кўрсатиб турилди, иқтисодий-молиявий садақалар берилди, хабарчилар давлат ҳимоясига олинди. Одамлар хабарчилардан даставвал нафрат қилиб, давралардан бебаҳра қилган бўлсалар, йиллар ўтгач, излар кўмилиб, хабарчилардан одамлар чўчийдиган, қўрқув ортидан уларни давраларнинг тўрига бошлайдиган бўлиб қолдилар. Тўғри сўзни айтувчилар камайди. Айғоқчилар туфайли ўз бошига яна қўшимча балолар ёғилишидан ялпи чўчиш кайфияти ёйилди.

Қўрқув, чўчиш туйғуси эса янгилик, ташаббус, яратувчилик, бунёдкорлик, илҳом сингари фазилатлар рўёбини инкор этади. *Қўрқув, ҳадиксираш ҳисси ўзликни намоён этишни эмас, ўзликни сақлаш инстинктига урғу беради.* Қўрқув тараққиёт кишани, камолот, ўсиш, ўзгариш учун йўл ҳам, имкон ҳам қолдирмайди. Қўрқув одамларда ҳаёт учун энг зарур нарсаларга боғлиқлик ҳиссини оширади. Кишиларда ана шу энг сўнгги илинжлар ҳимояси йўлидаги хавотир, ваҳима, жонсараклик кўзга аён ташлана бошлайди. Энг зарур нарсалар сўнгги бир ярим асрдаги мазлум ўзбеклар наздида егулик бир парча нон, бир тўн, бир пичоқ, хотини, болалари, бир парча ери, бир сигири, бир туркум иримсиримлар билан увадаси чиқиб, чиркин ҳолатга келиб қолган, ўзгалар наздида кулгили моҳият-мазмун ифодаловчи урф-одатлар, маърака-маросим ва ҳоказолардан иборат бўлиб қолди. Назаримда, мустамлакачилар халқимизни нафақат ўз маънавияти, маърифати ва маданиятидан бегоналаштирдилар, балки улар режавий тарзда халқ эҳтиёжлари, қизиқишлари, интилишлари кўламларини ҳам чеклаб, чегаралаб бордилар. Натижада чекланган эҳтиёжлар маънавияти, яқин мақсадларни мўлжал олиб яшаш, ўз фаолияти натижаларини бошқалар билан қиёслашдан қочиш, асли йўқ нарсаларга кўниш, оила, уруғ-жамоа, маҳалла, қишлоқ доираларидан четга чиқмаслик ва ундан четга чиқишдан ўзликни беихтиёр тийиш ҳолатлари умумий хусусиятларга айланди. Миллат характерида эскапистик майл, яъни реал борлиқни айнан тасаввур этиш, тушуниш, юз бераётган ҳодисаларнинг мағзини чақиш эмас, балки воқеалар моҳиятини англаб етишдан қочиш, ёлғон тасаввурларга берилиш кайфиятинигқ кучайиши авж олди. Эскапистик хусусиятлар, нарсалар, ҳодисаларнинг ташқи кўринишига маҳлиё бўлиб қолишни ифодалаб, юз бераётган воқеаларнинг асл моҳиятини англаб етишдан қочиш, иллюзиялар билан яшаш ҳолатларида намоён бўлади. Эскапизм жонли, аммо онгсиз мавжудотларга айнан хос бўлиб, туяқушнинг хавф яқинлашганда бошини қум тупроққа тиқиб туриши, қурбақанинг илон оғзига сакраши, сарка ортидан сурувнинг жарга сакрашига ўхшайди. Қаттиқ қўрқув оғушида қолган гўдаклар ҳам юзини қўллари билан бекитиб гўё хавфдан ўзини ҳимоялаши ҳам эскапизмнинг бир кўринишидир. Демак, эскапизмнинг манбаси қўрқув ҳиссининг чуқур ўрнашувидир.

Халқимиз тарихининг чуқур таназзулдаги 350 йил ва айниқса сўнгги 150 йили таҳлили эскапизмнинг миллий менталитет тизимида фавқулодда кучайганидан гувоҳлик беради ва бу иллат асоратлари ҳозирги кунда ҳам ўзини намоён этиб келмоқда. Эскапизмнинг яна бир негизий манбаси — конформизм (мослашувчанлик, ҳар қандай иқтисодий, сиёсий, ахлоқий вазиятларга тез кўникиш, илгариги маънавий қадриятлардан виждон қийноғисиз воз кечиб кетавериш), иррационализм (ҳиссиёт, хоҳиш, туйғулар асосида иш тутиш, кўнгил раъйини устувор билиш, рационализм, яъни ақл билан иш қилишнинг зидди) ва маърифий интелектуал жиҳатдан қашшоқлик омиллари ташкил этади.

Эскапизм инсонга ҳаётда ўз ўрнини тўғри белгилай олишига халал бериши ва мақсад йўлида одамлардаги курашчанлик туйғусининг ривож топишига монелик қилиб туриши билан ўта хавфли ижтимоий ҳодиса саналади. Эскапистик ёндашув кундалик турмуш тарзимизда ҳам, меҳнат фаолиятларида ҳам, оила даврасида фарзанд тарбиясида, дўст тутиш, ўзаро муносабатлар ва ҳоказо жабҳаларда ҳам кўзга ташланиб туради. Ёлланма меҳнат кишиси далада кетмон чопса-ю, чопиқни дилдан қилмаса, талаба домлага "билимларим ҳолатини баҳолаб беринг", деб эмас, "баҳо ёки рейтинг балларини қўйиб беринг", деб мурожаат этиб турса, эр хотинидан даромаднинг бир қисмини беркитиб юрса, хотин эридан фарзанди ёмон йўлга кириб бораётгани, сигарета чекишини ёки наркотик моддалар истеъмол қилишини яшириб яшаса, касал кўргани боришнинг асл сабаби кўнгил кўтариш эмас, "кўргани ҳам келмади", дегувчи маломат бўлса, таъзия жойига "маҳалла гап қилмасин", деб кириб чиқилса, уй ёки кўчани ҳар куни тоза тутмасдан фақат "меҳмон келади" деб тозаласа, супириб-сидирса, ишхонада ходим ишлаяпти эмас, ишга келган деган тушунча амал қилиб турса, бошлиқ идорадан чиқиши билан бутун жамоа беш минутда тумтарақай тарқаб кетиши, тарбия соатлари, учрашувлар, ватан тушунчаси мавзусидаги тадбирларнинг бор-йўғи "ўтказилди" деган қайднома учун қилиниши ўз-ўзини алдаш, иллюзияга берилиш, эскапизмнинг рўйи-рост намоён бўлиши ҳолатларидир.

Миллат характеридаги бундай қусурлар барча ҳаракатларимиздан кутилувчи самарадорлик, баракотга путур етказади. Аниқ мақсадлар, интилишлар, саъй-ҳаракатларимизни бесамара уринишларга, саробга айлантиради. *Чунки, тараққиёт одамлар онгида ўзлашганидан кейингина маданий қадрият, эъзозланувчи омилга айланади.* Бильакс, давлат жамият ва шахс тараққиёт даражалари ўртасида катта фарқлар юзага келади, дисбаланс ҳолатлари шахснинг унга давлат томонидан яратилувчи имкониятларини муносиб қадрлаш, аҳамиятини англашига имкон бермайди. Шу боисдан ҳам мамлакатнинг умумий тараққиёти алоҳида индивидлар ривожининг ҳосиласи ва ана шу индивидуал комилликларнинг жамулжами, йиғма кўринишидан ўзга нарса эмасдир.

Миллат характеридаги жамоавийлик ва индивидуаллик нисбатлари таҳлили жамоавийлик омилининг кўпчилик назаридаги устувор ўрни ва мавқеини чуқурроқ идрок`этиш заруратини кун тартибига қўяди. Ўтказилган социологик сўровлар, экспертлар (бообрў шахслар, доно ва катта тажрибаларга эга қариялар, маҳалла фаоллари) фикрлари ҳамда мақсадли кузатувлар шундан гувоҳлик берадики, ўзбеклар жамоага умумий мулоҳазалар юритиш макони, ўйлашга ундовчи омил, режалаштирган ишларини бошқаларга умумий қиёслаб олиш имконияти деб қарашлари маълум бўлди. *Ўзбеклар қарор қабул қилиш асноларида эса жамоага қараб эмас, шахсларга, обрў-эътиборли инсонлар, маҳаллий лидерларнинг хатти-ҳаракатларига монанд ва айни мувофиқ иш тутишлари аниқланди.* Халқимиз менталитетига хос бўлган ана шу муҳим ўзига хослик, яъни жамоага қараб фикрлаш, шахсларга қараб қарор қилишдан иборат мазкур тамойилдан келиб чиқиш катта аҳамиятга эга бўлиб, бу омиллардан бугунги кунда кенг кўламларда амалга оширилаётган маънавий янгиланишлар, туб ислоҳотлар жараёнларида самарали ва тўғри фойдаланиш зарурдир.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан тўйлар ва маърака-маросимларни тартибга солиш, ортиқча сарф-харажатлар, исрофгарчиликларга йўл қўймаслик борасида қабул қилинган қарор ижроси ҳамма жойларда ҳам бир хил эмаслиги, бу борадаги камчиликларимиз негизида ҳам ўзбек менталитетига хос бўлган, қарор қилишда маҳаллий лидерлар оғзини пойлаш, уларга тақлидан иш тутиш ҳолатлари билан изоҳланади.

Мозийлардан сўзлар минорлар...

А.РАҲИМ суратга олган.

Албатта бундай ҳол халқни бошқариш жараёнларида менталитет ўзига хослигига унинг ривожланганлик даражасига мустаҳкам таяниш зарурлигини тақозо этади. Ўзбекистон Қаҳрамони шоир Абдулла Орипов умумий турмуш тарзига эга, бир тилда сўзлашувчи одамлар мажмуини халқ деб, одамларнинг ўзини инсонлар сифатида англаб муайян мақсадлар атрофида онгли уюшган ҳолатини эса миллат деб аташни тавсия этади.

Дарҳақиқат, *миллат сўзининг моҳиятида эътиқод йўлидаги бирлашганлар, маслаги, ғояси якдил фидойилар деган мазмун мужассамдир.* Халқ миллатга нисбатан тарқоқ тушунча бўлиб, кўпроқ ўзини этник жиҳатдан ҳимоя қилишга интилади ва шу қўлларда унинг фаоллик даражаси чегараланади. *Миллатга айланган халқ эса ўз-ўзини сиёсий маънавий-ахлоқий, интелектуал, мафкуравий жиҳатлардан ҳимоя қила олади.*

Миллатга айланган халқ таркибидаги инсонлар ҳоз ва эркин бўлиб, ўз сўзи, иши, мақсадларига қатъий ва шижоаткор, доимий ўсиш, ўзгаришлар иштиёқида яшайдилар. Миллатга айланган халқнинг ҳар бир вакили мустаҳкам иродали, ўз эътиқодига содиқ, ватан моҳиятини англаган бўладилар.

Ана шу шароитда миллат маънавиятига хос бўлган аждодларимиз томонидан улуғланиб келинган "бутунлик" қадрияти бугунги кунда янада долзарб аҳамият касб этади. Бутунлик тушунчаси халқимиз учун муқаддас ишонч ёрлиғи саналиб унга сазовор бўлган шахс учун барча имкониятлар эшиги очилган. Ўзбекистон Республикаси "Ижтимоий фикр" маркази таркибида аҳоли турли қатламлари ўртасида ўтказган социологик сўровларимизда одамларнинг муайян натижаларга эришиш учун ўз олдиларига қўйдиган мақсадлари ва шу мақсадларни амалга ошириш борасидаги реал интилишлари ўртасида жиддий фарқлар борлигини ойдинлаштирди. *Хусусан, аҳолининг муайян қисми улуғ мақсадлар йўлида фидойилик, меҳнатсеварлик, ирода зарурлигини қайд этганлари ҳолда турмуш даражасини ошириш, фаровон ҳаётни юзага келтириш учун ҳалигача давлатни асосий боқувчи, таъмин этувчи омил деб билмоқдалар.* Ҳолбуки, бозор иқтисодиёти шароитида давлат аҳолини боқувчи эмас, балки одамларнинг бойиши ва фаровон ҳаёт кечиришлари учун зарур ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий ҳамда ижтимоий шарт-шароитларни таъминловчи институтга айлана боради.

Халқимизда "бутун", бутунлик атамаларининг этимони қадимий олтой тиллари гуруҳига кирувчи барча халқлар учун хос бўлган уч илоҳий куч (энергия) манбалари, "ян" "ин" ва "ци" назарияларига бориб тақалади. "Ян" бунёдкорлик, яратувчанлик, янгилик, улуғлик, юксалиш тимсоли бўлиб, барча сўзлар шу кучдан ўз ибтидосини бошлаган. Ўзгариш, юксалиш, яралиш билан боғлиқ сўзларда "ян", "ан", "юн", "он", "ун" қўшимчалари мавжуд бўлиб, бу сўзларнинг муқаддас "ян", яъни осмоннинг илоҳий кучларига дахлдорлигини билдириб турган. "Ян" осмоний куч тимсоли бўлганлиги учун ҳам руҳга, абадийликка дахлдор, "ин" эса ерга мансуб, боис вужуд, тана, муваққатлик рамзи бўлиб келган. Осмоний илоҳиётга интилишнинг қадимийлиги, қон-қонимизда азалий мавжудлиги боисидан ҳам Турон юртида тасаввуфнинг ўнлаб буюк арбоблари етишиб чиққанлиги ҳам бежиз эмасдир. Энг қадимги туркий-ўзбек сўзларига эътибор қаратсак, уларнинг таркибида албатта ана шу муқаддас қўшимчаларни учратамиз ва беихтиёр дунёнинг тизимий, тартибли асосларда юзага келтирилганлиги, унинг махсус яратилганлигини, бильакс бетартиб ва хаотик тарзда юзага келмаганлигига амин бўламиз.

Агар "ян", яъни осмоний куч тимсоли бўлган сўзлар орқали ("янги", "яна", "янграмоқ", "яндошмоқ", "янга", "осмон", "англамоқ", "тангри", "ёнмоқ", "ундамоқ" ва ҳоказо) ўсиш,ўзгариш, такомилга урғу берилса "ин", яъни ер, замин кучларини рамзий ифодаловчи сўзлар (индамоқ, инграмоқ, ин қурмоқ, инига кирмоқ, энгашмоқ, ини(яъни кичик) эниш ва ҳоказо) аксинча сусайиш, турғунлик ортга қайтишга мойиллик, регресс мазмунини акс эттирган.

Қадимги шарқ фалсафаси олам ва инсон тараққиёти, дунёдаги жамики ўзгаришлар аҳволи одамларнинг ана шу икки илоҳий кучларга муносабатига боғлиқ бўлиб ҳар бир инсоннинг ҳаётидаги ўрни "ян" ва "ин" омилларига, унга нисбатан қандай ёндашувига кўра белгиланади, деб таъриф беради.

Инсоннинг ҳаёт ўзгаришларида тўғри йўл белгилаши табиат ва ижтимоий моҳитда юз бераётган ҳодисаларни қай тарзда англашига кўп жиҳатлардан боғлиқ бўлиб, бу англаш жараёнлари эса воқеаҳодисалар, нарсаларнинг моҳиятини айнан ифодалаш, чуқур тушуниб етишига йўл очади. Дарҳақиқат, *дунёда жамики юксак ривож топган мамлакатларнинг халқлари феъл-атвори, характерига эътибор қаратсак, улар ҳамма нарсага ҳушёрлик билан, эҳтиёткорлик ҳамда меъёр даражалари доирасида баҳо беришга мойилликлари, предметларни ўз кўлами, ҳажмидан ортиқ ёки кам таърифламасликка интилишларига амин бўламиз.* Қадимги Хитой мутафаккири Конфуций бундан 2500 йил муқаддам номлар воқеа ва ҳодисалар, предметлар мазмунига айни мос бўлиши зарурлигини алоҳида таъкидлайди. Унинг фикрига кўра, нотўғри таъриф воқеа қандай эканлигини ифодалай олмайди ва нотўғри сўзлар юзага келади. Нотўғри сўзлар эса ишнинг ижросига халал бера бошлайди. Натижада иш бажарилмайди. Иш бажарилмагандан кейин маросим ва мусиқага эҳтиёж, ҳожат қолмайди. Маросим ва мусиқа ривож топмагач, умумий кайфиятлар издан чиқиб, яхшига рағбат бериш тартиблари бузилади, жазолар нотўғри, ноҳақ белгилана бошлайди. Гуноҳлар учун жазолар нотўғри белгилана бошлагач эса, омма ўзини қандай тутишини билмай қолади. Охир оқибатда эса жамиятда субутсизлик, ёлғончилик алдов, муттаҳамлик, ваъдабозлик кенг ёйилади. (Қаранг: История китайской философии, М. 1959 Изд.АН, 246-бет)

Сўзнинг ишга, воқеликка айнан мувофиқ ҳолатга келтириш учун буюк аждодларимиз жиддий саъй-ҳаракатлар қилганлар. Тарихдан маълумки, Амир Темурга унинг Ҳиндистонга қилган зафарли юришига бағишланган тарихий китоб Низомиддин Шомий томонидан ёзиб тугатилгандан кейин тортиқ қилинганда, Соҳибқирон китоб билан танишиб чиққач, унинг ифода кучи ва мантиқ услуби бўлиб ўтган воқеаларни айнан акс эттира олмаганлиги учун муаллифга қаттиқ танбеҳ берганлиги ва асарни қабул қилмаганлиги катта сабоқдир.

Сўзлар ва таърифларнинг ҳаёт ҳақиқатига номувофиқлиги буюк Хоразмшоҳлар давлатининг инқирозига, Мирзо Улуғбекнинг аччиқ қисматига, Бобурнинг ўз юртидан бадарға бўлишига сабаб бўлган, халқимизнинг неча бор босқинчилар томонидан истило бўлишига олиб келган. *Фикри билан сўзи, сўзи билан амали, амали билан шахсий турмуши монанд ва мос инсонларга халқимиз қадим-қадимдан "ян" илоҳиётига хос "бутун одам" деб таъриф бериб келганлар.*

Бутунликка эришиш, халқнинг маънавий бутунлигини таъминлаш учун уч минг йиллик онгли ёзма тарихимиз мобайнида кўп марталаб уринишлар бўлган. Бу борада Амир Темур ва темурийлар ҳукмронлиги даврида бир қадар муваффақиятларга эришилган. Муайян гуруҳлар, уруғлар, жамоалар доирасида бутунлик, комиллик даражаларини таъминлашга муваффақ бўлинган. Аммо, бутун мамлакат, миллат даражасида ялпи бутунликка эришиш учун умумий саъй-ҳаракатлар ҳам, бундай бирлашиш зарурлигини чуқур англаш ҳолатлари ҳам бўлмаган. Умуммиллий интилишларга қараганда жамоавий, сулолавий, қабилавий, гуруҳий бирлашувларга интилиш ва шундай уюшувлар орқали маънавий комилликка уринишлар афсуски, устувор бўлиб келган.

Кўп минг йиллик тарихимиз мобайнида умуммиллий комиллик ва бутунликка бўлган интилишлар илк дафъа мустақиллик туфайли халқимизга насиб этди. Президентимиз И.А.Каримов томонидан халқимизнинг маънавий комиллиги, миллат бутунлигини таркиб топтириш ва ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди ва амалга оширила бошланди. Ўзгараётган замон ва янгиланган макон мантиғи халқ характерида илгари етарли ривож топмаган янги фазилатларни таркиб топтириш заруратини кун тартибига қўяётгани боис, юртбошимиз халқимизни маънавий уйғониш, ҳушёрлик, атрофга кенг назар ташлаш, қиёслай ҳаракат қилишга даъват этиб келмоқда. Ҳамма нарсани инкор этавришдан иборат нигилизмдан воз кечиш, тушуниб-тушунмасдан кўкракдан итаришдан иборат иллатларимизни ташлаш, аввал юзимизни ўгириб келган баъзи қадриятларга қайтадан холис баҳо бериш масаласи ўртага қўйилмоқда.

Президентимиз "Фидокор" газетасига берган интервьюсида ҳақиқатни топиш учун қарама-қарши фикрларни ўртага ташлаш зарурлигини илгари суради. Юртбошимиз "Талабалар, зиёли ёшларимизнинг ўзи керакли хулосани чиқариб олсин. Мана, мисол учун Фрейднинг назарий қарашлари, прагматизм ва экзестенциализм ғоялари, Бердяев ва бошқаларнинг фалсафасидан ўргансак, фойдадан холи бўлмайди. Биз кўп масалаларда ғарб файласуфларининг фикрлари билан, айниқса, индивидуализм, эгоизм қарашларини илоҳийлаштириш билан келишмаслигимиз мумкин. Лекин уларни ҳисобга олишимиз, кераклисини эътироф, кераксизини инкор этишимиз зарур"- деб уқтирганлари нечоғли ҳақиқат эканлигини ҳаёт тасдиқламоқда. Ўзбек менталитетидаги ана шу жиҳат, яъни ўзгаларнинг фикр-қарашларини оқилона меъёр даражасида баҳолашга нўноқлигимиз, гоҳ жуда ошириб юборишимиз, гоҳида эса бошқаларнинг нуқтаи-назарини менсимаслик, беписанд қарашдан иборат хусусиятларимизни тан олиб, ўз-ўзимизни маънавий бутлаш йўлида жиддий тарбиявий иш олиб боришимиз зарурдир.

Юртбошимизнинг ўзбек миллати менталитетини прогрессив ўзгартириш борасидаги яхлит концепцияси икки катта йўналишдан иборат бўлиб, уларнинг биринчиси халқимиз феъл-атвори, турмуш тарзи, характеридаги салбий хусусиятларини эволюцион тарзда бартараф этиб бориш бўлса, иккинчи йўналиш, яхшига йўл, рағбат, ҳар бир ижобий ишни қадрлаш ва тақдирлаш, ибрат омилига куч бериш сиёсатидан иборатдир.

Назаримда, ана шу икки йўналишнинг синхрон, яъни уйғун кечишида муайян мураккабликлар кўзга ташланмоқда. Бу борада Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган фаолиятларни жойларда узвий давом эттиришда оқсоқликлар кўзга ташланмоқда. Маҳаллий ҳокимликлар, ўз-ўзини бошқариш органлари, тарбия ва таълим тизими муассасалари етарли фаоллик кўрсатмаяптилар. Шахс тарбияси, комил инсонни шакллантириш, бугунги кун фидоийларини юзага чиқаришда тизимий иш олиб бориш кўнгилдагидек кечмаяпти. Бу борада компаниябозлик,ўзи бўларчилик, бепарволик, расмиятчилик, лоқайдлик ҳолларига йўл қўйиб келинмоқда. Президент И.Каримовнинг халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида қуйидаги сабоқ берувчи фикрлари бежиз айтилмаган эди... "Бирон маҳалла, хўжалик ёки ташкилотнинг иши орқага кетса, шу жойдан файз-барака кўтарилса, одамларнинг кайфияти ёмонлашса, бунинг асосий сабаби — шу ерда бепарволик ва ундан ҳам баттари — лоқайдлик авж олганида десак, ўйлайманки, ҳеч қандай хато бўлмайди".

Раҳбар лоқайдлигининг ижтимоий хавфи шундан иборатки, бу иллат тез фурсатда жамоа, гуруҳ, ташкилот учун умумий феъл-атвор кўрсаткичига айланиб қолади. Раҳбарнинг мансаб даражаси қанча юқори бўлса, лоқайдликнинг ижтимоийлашув кўлами ҳам шунча кенгайиб боради, бу эса Президентимиз уқтирганларидек, муаммоларнинг ечилмаслиги, имкониятларнинг ишга солинмаслиги, ишнинг жойидан силжимаслигига олиб келади.

Бутунлик фалсафаси, ўзгараётган замон, бозор иқтисодиётининг талабчан руҳи раҳбарлар танлови тизими мазмунига янги ўлчовлар билан ёндашув заруратини ҳам кун тартибига қўймоқда. Юртбошимиз томонидан кадрлар танлови эзгулик пойдеворига қурилиши, шўролар давридан қолган тамойиллар (тузумга содиқлик, судланмаганлик, қавму қариндошларидан биронтаси жиноий жавобгарликка тортилмаганлиги, мансаб тажрибаси, тавсиялар) асосида, яъни, бўлажак раҳбарнинг айблари, камчиликлари йўқлигига кўра танлаш эмас, балки бўлажак раҳбарнинг яхши фазилатлари, инсонийлик жиҳатлари салмоғига кўра (касбининг устаси, ватани, халқига садоқати, фидойилиги, ўзига талабчанлиги, масъулиятлилиги, шахсий жавобгарлик ҳиссининг устуворлиги, одамларга яхшилик қилишга рағбати, ширинсуханлиги, ҳалоллиги, тиниб-тинчимаслиги, ўзи ёниб бошқаларни ҳам ёндириб яшай олиш фазилати, иш ва одамлар учун жон куйдирувчилиги, жамоани бирлаштириш қобилияти, мақсадларга сафарбар қила олиши, истараси иссиқлиги, қатъиятлилиги, камтарлиги) лавозимларга тавсия этиш тамойилининг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилди.

Мазкур концепциянинг муҳим негизий асосида халқимизнинг жамоавийлик табиатини бунёдкорлик фаолиятларига йўналтириш, оммани яратиш ишларига бошқаришда етакчи, лидер омилига таяниш, ҳар томонлама комил, бутун шахсларнинг ибрат кучидан самарали фойдаланишнинг мақсадлари мужассамдир.

Хуллас, ўзбек менталитетини замон мантиғига мувофиқ эволюцион ўзгартиришнинг юртбошимиз асослаб берган яхлит тизими қуйидаги жиҳатлар рўёбини тақозо этади.

1. Халқимиз турмуш тарзи, урф-одатлари, феъл-атвори мазмунини умуммиллий кўламларда қайта-қайта чуқур мушоҳада этиш, ортиқча маросимбозлик, исрофгарликлардан босқичма-босқич қутулиш йўлидан бориш;

2. Барча саъй-ҳаракатлар, амаллар, анъаналар, тўй ва маъракаларни бажариш жараёнларида қатъий меъёр талабларига риоя қилишга ўрганиш, кичик оилавий тадбирларни маҳалла, минтақа, туман, бутун шаҳар миқёсидаги маърака-маросимларга айлантириб юбормасликка интилиш;

3. Сўз ва иш бирлигига риоя қилиш, ваъдабозлик, ортиқча чираниш, эскапизм, мақтанчоқликка мойиллик сингари иллатларга қарши кураш олиб бориш, ҳар бир нарса, ҳодисани ўз номи билан айнан ифодалашга ўрганиш;

4. Бутунлик фалсафасини турмуш тарзимиз, феъл-атворимиз мазмун моҳиятига айлантириш, ёш авлод вакилларини бутун шахслар қилиб шакллантириш, фикри сўзига, сўзи амалига, амали ватан манфаатларига айни мувофиқ бўлишига эришиш;

5. Одамларда ўз феъл-атворлари, саъй-ҳаракатлари, интилишлари, маънавий қиёфасининг ҳолати хусусида шахсий тафтиш малакасини шакллантириш, ўзи устида доимий ишлаш, такомиллашув, ўзидан қониқмаслик фазилатларини шакллантириш, ўзи ёниб бошқаларни ҳам ёндира олиш хусусиятларини таркиб топтириш;

6. Эзгулик йўлида фидойи бўлиш, яхшилик қилишга, бошқаларнинг ташвишига елкадош бўлишга тайёрлик фазилатларини камол топтириш;

7. Ватан равнақи халқ фаровонлиги йўлидаги интилишлар билан шахсий сайъ-ҳаракатлардан кутилувчи манфаатлар уйғунлигига эришиш, Ватаннинг остонадан фақат ичкарига эмас, балки, ташқарига ҳам давом этишини чуқур англаш;

8. Ёшларда эзгу ва савоб ишларни ҳар куни ва ҳамиша қилишга тайёрлик ва шунга кучли ички рағбат, эҳтиёж, интилиш фазилатларини таркиб топтириш;

9. Миллий меросни ялпи ўзлаштириш, қадриятларимиздан чин ифтихор туйғуларини ҳис этиш, ғурурланиш ва завқ ола билишни тарбиялаш;

10. Инсоф, адолат, ҳалоллик, виждон сингари тамойиллар тарбиясини доимий равишда мунтазам тарзда олиб бориш, бу ишда раҳбарлар, обрўли шахслар, лидер-етакчилар, ота-оналарнинг шахсий ибрати омилидан самарали фойдаланиш;

11. Фуқароларда ўзини жамоанинг нафақат миқдорий-жисман аъзоси, балки, маънавий бўлаги деб ҳис этиш, умумий интилишлар, саъй-ҳаракатлар, мақсадлар тизими, мазмунига ҳар бир инсон ўз улуши, ҳиссаси нечоғли эканлигини англашни шакллантириш;

12. Интелектуал мулк устувор аҳамият касб этаётган ҳозирги замонда ҳар томонлама ва чуқур билимлар соҳиби бўлишга интилиш, умумжаҳон тараққиёти жараёнларига фаол интеграциялашув йўлидан бориш катта аҳамият касб этади.

Хуллас, *буюк келажак тақдири, озод ва обод жамият қурилиши ўзимизнинг қўлимизда эканлиги, бу мақсад барчамизнинг маънавий ўлчовимиз, шахсий ва ижтимоий мўлжалимизга айланиши бугунги кун тақозосидир.* Дарҳақиқат, Президент Ислом Каримов ўзининг биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги маърузасида алоҳида қайд этганларидек "мамлакатимизнинг тарихий ва миллий хусусиятларини, халқимиз табиатини, менталитетини инобатга олувчи ривожланишнинг мазкур йўли биз учун ниҳоятда мақбулдир".

Мансур БЕКМУРОДОВ,
социология фанлари доктори, профессор

Mustaqil gazeta HURRIYAT

Қутлов

НАМАНГАННИНГ САЙРОҚИ БУЛБУЛИ

Ҳабиб Саъдулланинг 1969 йилда чоп этилган "Океандан шабада" деган илк шеърий тўплами бор. Жавонимнинг тўрида туради. Бу китобнинг бир дастасини Ҳабиб аканинг илтимосига кўра бундан роппа-роса 34 йил муқаддам Наманган босмахонасидан "ўғирлаб" чиққанман. Кейин Ҳабиб ака шундоқ ҳам катта кўзларини янада каттароқ очиб, ўзига хос ним табассум билан "яшанг шоир" деб миннатдорчилик билдирган. Ва китоблардан бирисига : "Иним Ортиқалига. Биргаликда шеър ёзиб юрган кечаларимизни эслаб юринг" дея дастхат ёзиб берган.

Ҳар гал ана шу китобни қўлга олар эканман, Наманганнинг Комбриг Синицин номи билан аталувчи файзли кўчаси, ана шу кўчадаги идорадан кўра каттагина ҳовли-жойни эслатувчи вилоят газетасининг таҳририяти кўз олдимга келади. Шўх, беқарор ёшлигимни эслайман. Ҳабиб ака, ўшанда газетанинг тарғибот бўлимини бошқararди. Ўзи ҳам айни қирчиллама, келишган йигит эди. Гапни чертиб-чертиб, ҳазил-мутойибага қориштириб гапирарди. Бир гаплашган одам хумори тутиб, яна гаплашсам дерди.

Биз корректорлар — газетачиликка ҳавас қўйган ўн саккиз билан йигирманинг нариберисидаги бўз болалар Ҳабиб Саъдулла, яна Акрам Қодирий, Салоҳ Қориев, Эрмамат Нурматов, Ғуломжон Акбаров, Алижон Абдуллаев, Абдуфаттоҳ Ражабов сингари вилоятнинг номдор ижодкорлари ён-атрофида чаманзордан кетгиси келмаган асаларилардек ғужғон ўйнардик. Уларнинг юриш-туриши, ёзаётган нарсалари бизлар учун бир мактаб эди.

Айниқса Ҳабиб ака ёшларга ўзгача меҳрибон эди. Ёзганларимни олиб кирганимда, шоир кўплардек, "кўрамиз" дея мақолани стол четига суриб ё ғаладонга ташлаб қўймасдан ишини тўхтатиб ўша ондаёқ ўқиб чиқар, агар маъқул бўлса, қоғоз четига "бланкага" деб ёзиб қўярди. Бу "машинкага бераверинг" дегани эди. Маъқул келмаса дангал "бўлмапти" дер эди. Менинг ҳам оғзидан чиққанини ёқасига ёпиштирадиган даврларим, "нимаси бўлмапти?" дердим. Ҳабиб ака укасига ўгит бераётган меҳрибон акадек вазминлик билан нимаси бўлмаганини тушунтира бошларди.

— Бировларга тақлидан ёзманг, — дерди у, — ўшалар ҳам сизга ўхшаган одам, ўз сўзингиз, ўз услубингиз бўлсин. Кўпроқ воқеабандликка интилинг. Мана масалан...

Босмахона таҳририятдан сал нари — йўлнинг нариги четида. Маҳаллий мутахассислар етишмагани учун рус, корейс милларатига мансуб кишилар ишлар, кўрсатилган битта хатони тузатаман деб яна бир хатога йўл қўяр, биз шўринг қурғур корректорлар таҳририят билан босмахона ўртасида бўзчининг мокисидек қатнаганимиз қатнаган эди. Газетага тонготар қўл қўйиларди. Ана шу елибюгуришлар ўртасида бўш хоналардан бирига бир зумга кириб Ҳабиб аканинг айтганлари бўйича мақолаларимни қайта ишлардим...

Кейин Ҳабиб Саъдулла котибиятга — адабий котиб бўлиб ишга ўтди. Бир куни кирсам:

— Ортиқали, бирга шеър ёзамиз, — деб қолди.

Ҳайрон бўлдим. Ахир мен умримда шеър ёзмаган одам...

— Қани қоғоз қалам олинг, — деди шоир.

Олдим. Ҳабиб ака сигаретани бурқситган кўйи кўзлари ёниб хона бўйлаб юра бошлади. Сўнг тепамга келиб:

— Ёзинг! — деди.

Мажнун келиб ишқ боғида
Мендан сабоқ ўрганса-чи.
Умрин гўзал ёр йўлида
Сарф айламоқ ўрганса-чи,
Ҳусни камолини кўриб
Бўлса Юсуф шармандалар,
Ақлинг кўриб, Луқмон ўзин
Сезса нўноқ, ўрганса-чи...

— Қалай?

— Зўр, — дедим.

— Шу фикрингизда туриб, орқамдан юринг, — деди Ҳабиб ака.

Ташқарига чиқдик. Алламаҳал эмасми, кўча тинч-осойишта. Кўкда юлдузлар чарақлайди. Йўлка бўйлаб аста-аста юриб кетдик. Шоир ўз ўйлари билан. Қўлида сигарет. Сезаман, шеърнинг кейинги сатрларини ўйлаяпти. Халақит бергим келмайди. Жимгина бораман. Шу кўйи анчайин юрганимиздан кейин:

— Қани, кетдик, — деди у.

Яна котибиятга қайтамиз. Шоир шеърнинг қолганини тек турган кўйи айта бошлади:

Барно бўйинг
кўз-кўз қилиб,
Ишқ боғида
сайр айласанг,
Барчин келиб
сендан гўзал
Нозу фироқ ўрганса-чи.
Афсонадир Тоҳир бугун,
Истар эса ишқда қиёс,
Топгуси қалбимдан қуёш
Ушлаб чироқ
ўрганса-чи...

Шеър дегани қуюлиб келарди. Ҳабиб ака шу ерга келганда стол устида турган сигарет қутисидан яна бир дона олди. Тутатиб, ташқарига йўналди. Яна бир мўлжал юриб қайтди.

— Ана энди якунласак ҳам бўлади, — деди Ҳабиб ака, — тайёрмисиз шоир?

— Тайёрман, — дедим.

— Қани ёзинг:

Ишқ оташида ўртаниб,
Куйлар экан танҳо Ҳабиб,
Мажнун ила Фарҳод келиб
Мендан сабоқ ўрганса-чи.

— Бундан баттари бўлмайди! – деди Ҳабиб ака.

— Э, зўр! — дедим...

Бедананинг уйи йўқ, қайга борса битпилдиқ, демокчи, ўша пайтлари муқим турар жойим йўқ, таҳририятнинг исталган хонасида дивандами ёки стулларни қаторлаштирибми десангиз ётиб қолаверардим. Баъзан Ҳабиб ака:

— Кетдик! — дерди.

Шоирнинг Сардобадаги эски ҳовлисига узун-қисқа бўлиб кириб борардик...

Ҳозир шу сатрларни қоғозга туширяпману ўйлайман, мана менинг ёшим ҳам элликдан ошди. Ҳаётда кўп яхши-ёмон кунларни бошимдан ўтказдим. Кўп яхши инсонларга дуч келдим. Айни пайтда ёмонларга, вужуди фисқи-фужур, ипирисқи одамларга ҳам... Ҳаётда қоқилганимда, уриниб-суринганимда яхшилар, яхши инсонлар менга қўлларини чўзишди. Қўлтиғимдан олишди.

Бу ҳаёт деганлари ана шундай яхши инсонлар билан, уларнинг қуёшдек тафти, меҳри-муҳаббати билан гўзал экан.

Ҳабиб ака ана шундай менинг ҳаётимда, тақдиримда катта из қолдирган том маънодаги қалби дарё инсон. У кишидан камина кўп нарса ўрганганман. Ҳамон ўрганаман.

Ёшлик қилиб, ғўрлик қилиб пешонам деворга тарақлаб теккан дамларда ўз акасининг олдига ошиққан эрка укадек унинг хонадонига дадил кириб боравергaнман. Ва ҳар гал ҳам Ҳабиб акадан кўнгилни, руҳни кўтарадиган сўз эшитиб, қалбим қайтадан кучқувватга, ижод иштиёқига тўлиб қайтганман.

Бу қутлуғ остона ҳамиша меҳмонга мунтазир. Бу файзиёб хонадон дастурхони ҳамиша ёзиқ. Мен ҳам бу дастурхондан кўп бор туз тотиганман.

Камина бу ерда кўпроқ ўзим мисолимда гапиряпман.

Ҳабиб ака бутун бошли журналистлар авлодини тарбиялаб сафга қўшган, не-не бошловчи адибларни, шоирларни қулоғидан чўзиб ижод майдонига олиб кирган. Бугун улар адабиёт бўстонини гуллатиб юришибди.

Кўз олдимда.

Узоқ йили Тоҳир Қаҳҳорнинг "Оқ ўрик" деган мўъжазгина шеърий китоби чиққанди. Устоз шу китобдан баъзи шеърларни ёддан айтиб, "зўр шоир экан!" деб ҳаяжонланиб юрганини, роса бир йил бу тўплам шоирнинг столи устида турганини кўрганман.

Устознинг бирон бир ёш шоирнинг яхши шеърига кўзи тушса, худди ўзи ёзгандек қувониб кетишини кўп кузатганман.

Куни кеча вилоят "Наманган ҳақиқати" газетасида Ҳабиб аканинг "Аламлар гуллаган боғ" деган мақоласи эълон қилинди. Мақола Гулнора Отабаеванинг "Айрилиқ сатҳи" китоби ва унинг баҳонасида шоира ҳақида. "Қўлингизга тушган ҳар бир китоб шубҳасиз бойлик. Аммо улар орасида эга бўлганингиздан ғурур туядиган нодирлари бўладики, унинг ҳақида ҳамиша мақтаниб гапириб юрасиз" деган сатрлар билан бошланади ушбу мақола...

Кўкда йўлчи юлдуз бўлади.

Бу юлдуз чароғон кечаларда ҳам, қаро тун қўйнида ҳам осмонни тўлдириб, чарақлар ўзидан ўзгача нур таратиб туради. Кўплар йўлларини шу юлдузга қараб оладилар.

Устоз Ҳабиб Саъдулла ҳам ҳеч шубҳасиз Наманганнинг фахри – йўлчи юлдузидир.

Ортиқали НОМОЗОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Мутолаа

ДАВР АКС ЭТГАН ШЕЪРИЯТ

Янги сотувга чиққан "Садоқат чашмаси" номли шеърий тўплам бир қарашда кўзларимни қувонтирди. "Садоқат чашмаси" қанчалик чиройли бўлса, ичидаги шеърлари ҳам шунчалик яхши, қўнгилга, жонга яқин эди. Уқирдинг, ўқирдинг. Муаллифнинг ҳаёти даврнинг ҳаётига ўхшарди. Билмадим, бошқаларда қандай, аммо менда ҳар бир шеър кечаги, бугун тарихга айланган кунларимизни ёдга соларди.

Албатта, бугунги ёш авлод буни ҳис қилмай шунчаки ўқиб ўтиб кетавериши мумкин, чунки мустақилликдан олдинги даврлар қандай бўлганини кўришмаган. Биз эса, ўтган, кўрган кечирган кунларимизни ҳали унутганимиз йўқ.

Айтайлик, XX асрнинг 60-йиллари қандай эди? Ҳа, биз у даврда фавворалларга қараб оғир хаёлларга чўмар эдик. Юзларга урилган томчилар бизга қувонч берармиди? Балки, берса бергандир, аммо кўпроқ бошқача ҳиссиётлар уйғотарди.

Томчи...
Ўтмиш кўз ёшларин
эслатган сафар
Жиққа ёшга тўлар
менинг ҳам кўзим.

Фаввора томчилар ҳам, ёмғир томчилари ҳам бизга кўз ёшлар ва азоблар тимсоли эди. У даврда ёмғирлар ҳақида ёзмаган шоирлар оз эди. "Ёмғир ёғар, шиғалаб ёғар" сатрларини эсланг (Р.Парфи).

Аҳмад Хўжа ҳам сафдошлардан ортда қолмай ёзганди:

Ёмғир ёғар...
Томчилар — найза,
Бағрин доғлар
япроқларнинг у.
Бош тебратар
мўлтираб майса,
Жилғаларда
тўлғанади сув.

Бағри доғ япроқлар, мўлтираган майсалар, тўлғанган сувлар — бизнинг авлод эди.

У йилларда армия сафида холис хизмат учун кетган ёшларнинг ўлиги келарди. Бу нохушликни шоирлар ичга олардилар.

Девордаги
аскар сурати:
Мағрур бошда
рангсиз фуражка
Ва ёнида охирги хати...
У юртига
қайтиб келмади,
Ватан учун
кетиб курашга.

У йилларда одамлар бир-бирига бегоналашиб борар, ёнма-ён юриб ҳам бир-бирини соғинарди.

Ажиб мўъжизалар
рўй бериб секин,
Самовот бўлса ҳам
охир бир қадам –
Қалб бетоқат уриб
туради лекин,
Соғиниб турганда
одамни одам...

Ҳаётда ўз ўрнини, бахтини тополмаётган инсон, меҳр, ишонч, садоқат излаётган инсон, бокира қизларини асрай олмаётган йигит

(Сотиб олмоқ
мумкин бўлган
замон бу, ахир
Тортиб олмоқ
мумкин бўлган
замон бу, ахир.
Муҳаббатни –
юракларда
учгувчи қушни
Отиб олмоқ
мумкин бўлган
замон бу, ахир),

бир-бирини йўқотиб, бир-бирини тополмаётган инсонлар... булар ҳаммаси кечаги кунимиз эмасмиди, ахир!

70-йилларда шеъриятимизда бир йўл русмга кирганди. Замон дардлари ҳақида очиқ гапириш мумкин бўлмагани учун назм аҳли тарихга ва кўпроқ бошқа халқлар тарихига мурожаат қилар, халқ кўнглида ҳамоҳанг туйғулар уйғотишга имкон излаб топарди.

Асрлар кечар-у,
Келгуси авлод
Чангаллаб олгандай
бир лаҳча чўғни —
Унута олмагай
мангу, умрбод
Шоирнинг кўксига
қадалган ўқни.

Бу, албатта, Лермонтовга бағишланган шеър эди. Аммо бизнинг юртда ўлдирилган шоирлар каммиди?

Ва яна табиатдан мисоллар билан ҳаётимиз тасвири бериларди. Мана, Аҳмад Хўжанинг "Балиқ" шеъридаги балиқ. У, ўз йўлида нуқул қармоққа илинаверади... Яна қармоқ ташлайдилар. Аммо кўп алданган балиқ энди одамга яқин келмайди, ҳатто "холис ният билан нон ташласа ҳам". Яна:

Ҳар баликда
ўзи сузган
денгиз сувин
ҳиди бор...

ёки:

Яшамоқнинг ўзи ҳам
бўлиб қолди жасорат

мисраларидаги кайфиятлар... Ҳаммаси, ҳаммаси нақадар таниш!

Ёки:

Тақдир кимсасиз соҳилга элтиб ташлаган кеманинг ҳоли...

У иткитилган кема бизнинг юрт эмасмиди?

Ўша 70-йилларда бизнинг юртимизда муҳожирликда яшаётган қрим татарларининг ҳоли бир қатор ижодкорлар қатори Аҳмад Хўжанинг ҳам хаёлини безовта қиларди. "Муҳожир монологи" шеъридаги: "Одамлар, адашиш оқибатида Ватандан айрилиб қолмангиз фақат" мисралари бу фикримизни далиллайди. Аҳмад Хўжа 80-йилларда яна шу мавзуда шеър битди. Бу — қрим татар ёзувчиси Айдер Осмонга бағишланган "Поезд ҳақида қўшиқ"дир. У, қардош халқ ёзувчиси тилидан ёзади:

Дунёда туғилиб
кўрганим — поезд.
— Ойи, бу нима? — деб
сўрганим — поезд.
Менга темир йўлдан
иборат дунё,
Умрим ўтаётир
поездда гўё.

Ҳаммамиз биламиз: 1944 йил 19 майда бу халқни тарихий ватанидан Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Сибирь томонларга сургун қилишганди. Вагонларга одамлар молдай тиқилган поездларда узоқ йўл юрилган, у пайтда олти яшар бола бўлган Айдер Осмон юқоридагидек ўйларга бориши табиий эди. Ва булар ҳаммаси кечагидек ёдимизда. Аҳмад Хўжанинг китоби ўша пайтдаги ҳамдардлик изтироблариии яна бир бора эслатди.

Аҳмад Хўжанинг 80-йилларда ёзган шеърлари даврнинг энг муҳим, оғриқли ҳодисаларини ўртага қўйди. "Пахта иши"нинг ноҳақ курбонлариga бағишланган "Ўкинч" шеъри, ўша йилларда аёллар орасида ўзига ўт қўйиш ҳоллари рўй бергани ҳақидаги "Сингилжон" шеъри шулар жумласидандир. Аввал айблаб, одамларни абгор қилиб, сўнг "Ранжиманг, хато ўтибди" деб туришлар шоирни мутлақо қаноатлантирмайди: "Лекин ким қайтариб беролур, ахир, Соврилган жувонмарг умрим парчасин?!" деган сўроқни ташлайди. "Рўзғор — ғор, чўнтак тор, ороми йўқ, уйи — болали бозор" бўлган аёл ҳаётда ўзининг камситилганини кўрсатиш учун, норозилигини билдириш учун жонига қасд қиларкан, яна уни "муҳаббат ё жаҳолат қурбони" деб ғийбат қилишларини баён этади ва уларни суяб шундай сатрлар битади:

Ёнма, шу зотларга
басма-бас яша,
Қисмат тахир бўлса,
қасдма-қасд яша,
Асли сен баландсан,
улар паст, яша,
Асрий иродангни
кўрсат, сингилжон,
Ўзингга ўт қўйма
фақат, сингилжон.

"Садоқат чашмаси" шундай тўпламки, ундаги ҳар бир шеър борасида катта бир ижтимоий-сиёсий мақола ёзиш мумкин. 1989 йил шеърлари ҳақида буни алоҳида таъкидлаган бўлардим. Тўпламдаги мустақилликдан сўнг ёзилган 15 шеър тўғрисида ҳам шу гапни айтиш мумкин. Мен ҳеч бўлмаганда "Вақт бирлиги"ни айтиб ўтмасам, кўнглим жойига тушмайди. Ўрта Осиё жумҳуриятлари ҳудудида вақт ўлчови ягона ҳолга келтирилгани муносабати билан ёзилган бу шеър бу минтақадаги қондош-жондош элларнинг қувонч ва эзгу орзуларини шундай гўзал сатрларда ифодалайди:

Ёвуқ юз-кўзимиз,
Ризқи-рўзимиз,
Бирдир Кошғарийдан
қолган сўзимиз,
Яктан бўлолсайдик,
қани, ўзимиз —
Бугун Туркистоннинг
вақти бирлашди.

Шеърият ўзи бир мўъжиза. Ягона таърифга сиғмайди. Унинг минг усуллари, унсурлари бор.

Қофия, туроқ, вазн, тимсол, истиора — булар ҳаммаси яхши: шеърга садо беради, қанот беради. Аммо самимийлик уни жонга, қўнгилга яқин қилади. Самимиятнинг бадали — ўқувчилар меҳри, ишончи.

Ҳар хил шеърлар бор: мадҳия, қасида, баландпарвоз, санъаткорона сўзлар ўйини. Аммо ҳақиқат шеъриятнинг жон озиғидирки, унга узоқ-узоқ умрлар ато этади.

Фантастик шеърлар бор, хаёлот шеърлари, ақл-зако, тафаккур мевалари... Бари бир-биридан яхши. Аммо бирор воқеага боғлиқ шеърлар бўлакчароқ: қонли-жонлига ўхшайди. Нима сабабдан, билмайман, бундай шеърлар ўз-ўзидан ҳикматга, фалсафага тўйинган бўлади.

Мен нега булар ҳақида сўз очдим? Сабаби шуки, бу тўплам самимияти, ҳаққонияти ва конкрет воқеа-ҳодисаларга боғлиқлиги билан ажралиб туради.

Қаердаки, диёнатга
тортилган чизиқ,
Қаердаки, нодон азиз,
аҳли дониш хор —
Қаердаки, шоирларнинг
тиллари қисиқ —
Демак: ўша эл қонида
журъатсизлик бор.
("Журъат")

Яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, шоир ва публицист Аҳмад Хўжанинг "Садоқат чашмаси" ҳамда "Сарбон ва карвон" китоблари тақдимоти маросимини ўтказди. Маросимга Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов раҳбарлик қилди. Ўзбекистон Президентининг давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов, Давлат Матбуот қўмитасининг раиси Рустам Шоғуломов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳабиб Саъдулла, атоқли шоир Нормурод Нарзуллаев, "Саодат" ва "Гулчеҳралар" номидан шоира Қутлибека ва бошқалар сўзга чиқиб, Аҳмад Хўжа 50 йиллик умри ва 30 йиллик ижодий фаолияти давомида ўзбек адабиётига сезиларли ҳисса қўшганини ҳурмат билан таъкидладилар.

Миразиз АЪЗАМ

Назм

ЯХШИ НИЯТ

Мен — китобман машҳур,
номимни, афсус,
Қаровсиз йилларнинг чанглари босган.
Мен — пичоқман,
кескир дамимни нафсиз,
Яроқсиз қўлларнинг занглари босган.
Мени тушунсайди одамлар —
Титилии-и-иб кетсайдим...
Катилии-и-иб кетсайдим...

Ҳар кун дарсхонада гўзал толиба
Қолдирмай ўқиса варақларимни.
Ҳар кун ошхонада гўзал соҳиба
Билдирмай тўғраса юракларини.
Мени тушунсайди одамлар —
Титилии-и-иб кетсайдим...
Катилии-и-иб кетсайдим...

Кейин одамларга толиба мени
Суюниб-суюниб шарҳлаб берсайди.
Кейин одамларга соҳиба мени
Куюниб-куюниб чарҳлаб берсайди.
Титилии-и-иб кетсайдим...
Катилии-и-иб кетсайдим...
Мени тушунсайди одамлар!

Рустам МУСУРМОН

Кулгу

ХОНЗОДАНИНГ МАНЗИЛИ

Ҳажвий ҳикоя

Дунёда бўйдоқнинг орзусидан ажойиби бўлмаса керак.

Тошкентда талабамиз. Курсдошим Собиржонни Қўқонга — ота юртга олиб борганман. Унинг елкасида ўша — биз талаба бўлган етмишинчи йиллардаги сара фотоаппарат. Худоёрхон саройини айланиб юриб, ўзимизга ўхшаб етаклашиб юрган икки қиз билан танишиб қолдик. Чиройлиси бехос "юракдан урди". Муқимий боғида биргалашиб расмга ҳам тушдик. Улар ҳам Тошкентда талаба экан. Хайрлашишда соҳибжамол менга ётоғи манзилини ёзиб берди. Кейин мулойим оҳангда "сурат битса, албатта олиб боринг, кутамиз" дея жилмайиб қўйди.

Шодлигимнинг чеки йўқ. Тошкентга боргач, расмни тезроқ ишланг, жон дўстим, деб ҳар куни Собиржонга ялинаман. Хуллас, сурат тайёр бўлган кун қизгинанинг ётоғига қушдай учдим. Қоровул кампирга қуюқ салом бериб, тахта шоколадлардан бирини тутқазиб, "67"га бир минутгагина кириб чиқишимни айтдим.

— Борақол, бояқиш! Зўрга турган экансан-да! — кампир мийиғида кулиб "оқ йўл" тилади.

— Қайси қаватда? — сўрадим шошиб.

— Иккинчида. Адашиб юрма, ўнг томондан охиргиси.

Топдим! "67" коридорнинг охирида, ошхонанинг рўпарароғида экан. Эшикни тақиллатай десам юрак қурғур элдан бурун ҳаяжондан дукиллайди. Ахир эшик ортида гўзал қиз Хонзода... Ҳали насиб этса севгилим, маҳбубам бўлади. Балки омадим чопиб биратўла бўйдоқлик ташвишидан ҳам қутуларман. Ох-оҳ, гўзалларнинг гўзали — Хонзода! Ахир нима бўлганда ҳам хотиннинг чиройли бўлгани яхши, бир умр мағрурланиб, илҳомланиб, севиб-севиб, сира севишдан чарчамай, ошиқ Фариб каби ўртаниб-ёниб яшайсан. Ҳаяжондан қўлим қалтираганча секин "67"ни тақиллатдим. Ошхонадан чиқаётган икки қиз менга ғалати қарашиб, ҳиринглашганча ўтиб кетишди. Жаҳлим чиқди. "Четдан келган поччалар кимга ёқибдики, буларга ёқсам". Мен ҳам уларга ёвқараш қилиб қўйдим. "67"дан эса ҳамон садо йўқ. Эшитишмади чоғи. У ёқ-бу ёғимни тузатган бўлдим-да, эшикни астойдил тақиллатдим. Бояги қизлар эса йўлак муюлишида менга қараб баралла тишининг оқини кўрсатиб кулишяпти. Шу пайт бир барзанги йигит ортимдан келиб елкамга турди.

— Кирасанми?

Нима дейишимни билмай елка қисдим. У бир қўли билан мени четга сурди.

— Бўлмаса, йўлдан қоч! Аввал ўйлаб ол!

У ҳам "хо-хо"лаб "67"нинг эшигини бир тепиб, ичкарига кириб кетди. Шитоб ёпилган пружинали эшик нақд башарамга урилаёзди. "Ия, бу барзанги бизнинг Хонзодага ким бўлди экан? Тарбиясиз! Қизларнинг хонасига ҳам шу тахлит кирадими? Ёки шунчалик ҳадди сиғиб...' Ортидан мен ҳам бостириб кирайми? Башарамга "тамға" тушиб қолса-чи? Унга кучим етмасов..." Шу орада яна бир йигит келиб "67"га илтифотсиз кириб кетди. Аччиғимдан жоним халқумимга келиб, бор-э, нима бўлса бўлар, деб мен ҳам эшикни ортиқ чертиб ўтирмай шартта ичкарига бостириб кирдим. Бояги зўравону кейинги кирган йигит ҳам "ҳузур қилиб" ўтиришарди. Не кўз билан кўрайки, "67" ҳожатхона экан...

Алҳам ДАМИН

Тафаккур

ҚАЧОН СЎЗЛАШ ҚИЙИН?



Жисмоний меҳнат маънавий изтиробларни унутишга ёрдам беради. Шу боис ҳам қашшоқлар одатда бахтиёрдирлар.

* * *

Донишманд кам нарса билан қаноатдадир, аҳмоққа эса қанча берсанг кам. Ана шу боис одамларнинг аксарияти бахтсиздир.

* * *

Саломатлик танга нима беролса, тиниқ ақл ҳам руҳга шуни беришга қодир.

* * *

Китоблардан кўра инсонларни тадқиқ қилмоқ кўпроқ фойдалироқдир.

* * *

Сукутда туриш уят бўлган жойда сўзлаш ҳам энг қийин кечади.

* * *

Кимки бировни жуда қаттиқ севса, ўзи аллақачон севилмай қўйганини шунча узоқ вақт сезмай юради.

Франсуа де ЛАРОШФУКО

* * *

Муҳаббатнинг буюк мўъжизаларидан бири шуки, у таннозlikни даволай олади.

* * *

Биз барча масалаларда ўзимизга ҳамфикр кишиларнигина соғлом фикрловчи деб биламиз.

* * *

Ҳақиқатан хурматга муносиб одам ақлини йўқотиб севиши мумкин, лекин аҳмоқларча эмас.

* * *

Инсоннинг ақли ва қалби худди унинг нутқи каби туғилган юрти нуқсини ўзида мужассам этади.

* * *

Буюк инсон бўлиш учун тақдир инъом этган барча нарсалардан оқилона фойдалана билмоқ керак.

А.РАҲИМ таржимаси.

Тузувчи: Ғафуржон МАДАЛОВ



Математик ибора						Шяфт кўрки		Ижара	Дераза
	Бойлик		Яхши	Маъмурий ҳудуд					
						Сирлар		Қарор	
	Изоҳ, қўшимча						Ҳуриллиқ		
				Сув ўсимлиги		Тўғноғич / Нотя		Овознигор	
	Доно						Ёғ номи		
				Қайсар		Гурур	Коннот		
							От ясовчи қўшимча		
			Довул				Ўрмон ҳайвони		
Шиша идиш	Таниқли		Ҳаҳарот / Бўйсунши				Феъл ясовчи қўшимча		
				Чоғланиш				Қирғий	Рухсат	Судья
	Кўркмас			Базм					
								Танти	
	Парда								
								Тимсол	

Mustaqil gazeta HURRIYAT

Қўлингиз остида сиз!

Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

Бош муҳаррир Амирқул КАРИМОВ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ, Наим КАРИМОВ, Норали ОЧИЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Телефон: 144-25-06, 133-69-45.

Индекс:
Якка обуначилар учун — 233 Ташкилотлар учун — 234

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Собиржон ЁҚУБОВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 20.00
Буюртма — Г - 373

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Hurriyat kompyuter markazida teridi va sahifalandi.